

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

33-сон
(1001)
2021 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

485. «Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги ЎРҚ-708-сон Қонуни

486. «Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 августдаги ЎРҚ-709-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

487. «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 августдаги ПФ–6279-сон Фармони

488. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 августдаги ПФ–6280-сон Фармони
489. «Автомобиль транспортида юк ташувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 августдаги ПҚ–5225-сон қарори

Учинчи бўлим

490. «Кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 августдаги 523-сон қарори
491. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 августдаги 525-сон қарори
492. «Олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги 527-сон қарори
493. «Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарори
494. «Божхона назорати остидаги товарларга нисбатан юк операцияларини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 августдаги 531-сон қарори

Бешинчи бўлим

495. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 4 августдаги 47-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3009-2)

496. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 11 августдаги 49-сон «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361-2*)
497. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2021 йил 5 августдаги 153-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3123-1*)
498. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 11 августдаги 256-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти бўйича қоидаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3159-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

485 Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 24 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова) **28-моддаси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«28-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳамда чиқарган ҳужжатлар устидан судга шикоят қилиш ва протест келтириш

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким томонидан қабул қилинган ҳамда чиқарилган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан суд тартибида шикоят қилиниши, шунингдек прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 августда эълон қилинган.

қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **197¹-модда:**

биринчи қисмининг:

диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса»;

санкциясидаги «юз бараваридан бир юз эллик бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача» деган сўзлар «тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **229¹-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахсга нисбатан, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»;

3) қуйидаги мазмундаги **229^б-модда** билан тўлдирилсин:

«229^б-модда. Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш

Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) ерларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) ерларга жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан, агар у ер участкасининг қайтарилишини ҳамда ернинг қишлоқ хўжалиги оборотига киритилишини таъминласа, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда; № 5, 296-модда; № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова) **345-моддасининг бешинчи қисмидаги** «243» рақами «229⁶, 243» рақамлари билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, №

5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **60-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қўйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга эса — эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ва туташ бўлмаган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса — уч юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган

ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, жавобгарликдан озод этилади»;

2) **60¹-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органлар хабардор этилмаганлиги, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари, мансабдор шахсларга эса — эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **65-модда:**

Биринчи қисмининг санкциясидаги «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Учинчи қисмининг санкциясидаги «беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Тўртинчи қисмининг санкциясидаги «уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **67-модданинг санкцияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **68-модда:**

номидаги «Хўжалик ичидаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

Биринчи қисмининг:

Ўзбекча матнидаги «тузилиши» деган сўз «тузиш» деган сўз билан алмаштирилсин;

санкцияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари, мансабдор шахсларга эса — беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

Иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, мансаб-

дор шахсларга эса — ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **68¹** ва **69-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68¹-модда. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ер участкасига, бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, мансабдор шахсларга эса — ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

69-модда. Чегара белгиларини, геодезик пунктларни ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш

Эгаликдаги, фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, геодезик пунктларни ва ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

7) **99-модданинг ўнинчи ва ўн биринчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

8) **101-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилган бинолар ҳамда иншоотларни электр энергияси, иссиқлик ва газ таъминоти ташкилотлари томонидан электр, иссиқлик ва газ тармоқларига ўзбошимчалик билан улаш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан саксон беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **160-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«160-модда. Уйларни қуриш қоидаларини бузиш

Уйларни, хўжалик ва рўзғор биноларини қуриш қоидаларини бузиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **163-модда:**

диспозицияси «Водопровод тармоқларига» деган сўзлардан кейин «(сув таъминоти тармоқларига)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

санкциясидаги «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахс-

ларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилган биноларни водопровод (сув таъминоти) ташкилотлари томонидан водопровод тармоқларига (сув таъминоти тармоқларига) улаш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан саксон беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

11) 163¹-модда:

диспозицияси «канализация тармоқларига» деган сўзлардан кейин «(оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

санкциясидаги «уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилган бинолар ва иншоотларни ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан канализация тармоқларига (оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига) улаш, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан саксон беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

12) 245-модданинг:

биринчи қисмидаги:

«59¹, 60, 60¹» рақамлари «59¹-моддаларида, 60-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида)» деган сўзлар «100-моддаларида, 101-моддасининг биринчи (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида) ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«160-моддасининг биринчи қисмида, 160¹» деган сўзлар «160, 160¹» рақамлари билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ушбу Кодекснинг 99 (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида) ва 283-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар «бундан ушбу Кодекс 60-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 60¹, 65, 68, 68¹, 99 (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида) ва 283-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 245⁷-модданинг биринчи қисмидаги «65, 66, 67, 68, 69-моддаларида (қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ қисми)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **264-модданинг биринчи қисмидаги** «159¹-моддасида, 160-моддасининг иккинчи қисмида, 168-моддасида» деган сўзлар «159¹, 168-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **266¹-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«266¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг органлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг органларига ушбу Кодекснинг 60-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 60¹-моддасида, 68-моддасида (бундан табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув фонди ерлари мустасно), 68¹-моддасида ва 69-моддасида (бундан қишлоқ хўжалиги ерларининг чегара белгиларига оид қисми мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директори ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг туманлар (шаҳарлар) бўлимлари бошлиқлари»;

17) қуйидаги мазмундаги **266²-модда** билан тўлдирилсин:

«266²-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органларига ушбу Кодекснинг 65, 68-моддаларида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид қисмида) ва 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг чегара белгиларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўллашга қуйидагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги бўйича ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **6-модда тўртинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман (шаҳар) филиалига» деган сўзлар «қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модда биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошисидаги** «ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман (шаҳар) филиалига» деган сўзлар «қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда, 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер тузишни, ерларнинг мониторингини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очик электрон танлов яқунларини тасдиқлаш;

ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратиш;

кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ер участкаларини умумий фойдаланиш (нотижорат мақсадларда) учун кўп квартирали уйлардаги жойларнинг мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш;

дипломатик ваколатхоналарга ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга ушбу ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлигининг қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари жумласига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатлари соҳасидаги қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳудудий органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт»;

2) **6-модданинг тўртинчи — ўн учинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — еттинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар билан ер участкаларини ижарага бериш шартномасини тузиш;

ер тузишни, ерларнинг мониторингини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари жумласига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш»;

3) **7-модданинг тўртинчи — ўнинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — еттинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар билан ер участкаларини ижарага бериш шартномасини тузиш;

ер тузишни, ерларнинг мониторингини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳоки-

мияти органларининг ваколатлари жумласига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш»;

4) **9-модда:**

тўртинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан амалга оширилади, бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш мустасно»;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғорилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади, суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ёки суғорилмайдиган ерлар тоифасига ўтказиш эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ амалга оширилади»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **13-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **15-модданинг олтинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланилиши лозим ва у давлат томонидан муҳофаза этилади»;

9) **17-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар ушбу Кодексга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мулк, доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкин.

Жисмоний шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мулк ва ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкин.

Чет эллик фуқаролар ва юридик шахслар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ер участкаларига фақат ижара ҳуқуқи асосида эга

бўлиши мумкин, бундан ушбу Кодекс 18-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг 2021 йил 1 августга қадар ер участкаларига нисбатан юзага келган доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқлари ўз кучида қолади, бундан ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилинган ҳоллар мустасно.

Юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган, ўзига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш) ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда хусусийлаштиришга ҳақли»;

10) **18-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилганда, қонунчиликда белгиланган тартибда юзага келади»;

11) **19-модда** чиқариб ташлансин;

12) **20-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-модда. Ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкалари вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан давлат органларига, муассасаларига ва корхоналарига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга берилади. Ерларнинг мўлжалланган асосий мақсадига мувофиқ:

яйловлар билан банд бўлган ерлар;

саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар — кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;

тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;

ўрмон фонди ерлари;

сув фонди ерлари;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, ер фондининг бошқа тоифадаги ерлари фойдаланишга берилиши мумкин.

Кўп квартирали уй жойлашган ер участкаси, шунингдек кўп квартирали уйга туташ ер участкаси, агар у кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқача тарзда тегишли бўлмаса, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу мулкдорларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида умумий фойдаланишга берилади.

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим»;

13) **22-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22-модда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши

Корхонага, бинога, иншоотга ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар банд этган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи ҳам ўтади.

Уй-жойга, чорбоққа бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳада қилиш ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсларга ўтган тақдирда, ушбу иморатларга бўлган мулк ҳуқуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк банд этган ер участкасига доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган органлар ҳамда шахсларнинг тегишли шартномалари, қарорлари асосида туман, шаҳар ер-кадастр дафтарига ернинг янги эгаси ёки ердан янги фойдаланувчи ёхуд янги ижарага олувчи тўғрисидаги маълумотларни киритиш ҳамда ер участкасига доимий эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш, ижара (ижара шартномасининг амал қилиш муддатига) ёки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш йўли билан расмийлаштирилади.

Корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мулкнинг бир қисмига бўлган мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқарув ҳуқуқи янги мулкдорга ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг эгасига ўтган тақдирда, унга ер участкасининг корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мулкнинг улушига мутаносиб бўлган қисмига доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи ҳам ўтади, ер участкасини бундай ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган масалалар юзасидан низолашилган тақдирда эса ер участкасининг бўлиниши Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси бўлинмалари томонидан амалга оширилиб, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланади ва кейинчалик ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи, ундан доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи давлат рўйхатига олинади ҳамда давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги тегишли кўчирмалар берилади»;

14) **23-модданинг:**

биринчи, иккинчи ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш), доимий фойдаланиш учун ва ижарага бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) мулк қилиб бериш (реализация қилиш) — қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, шу жумладан яқка тартибда уй-жой қуриш ҳамда уй-жойни ободонлаштириш, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон онлайн-аукцион воситасида;

2) доимий фойдаланишга бериш — ушбу Кодекснинг 20-моддасида назарда тутилган ҳолларда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан;

3) ижарага бериш — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан, шунингдек электрон онлайн-аукцион воситасида.

Эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бериш (реализация қилиш) ушбу Кодексда белгиланган тартибда фақат шу ер участкасини белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади»;

бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларини мулк қилиб бериш (реализация қилиш), улардан доимий фойдаланиш ва уларни ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

15) **24-модданинг:**

иккинчи — олтинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **иккинчи — ўн иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қуйидагиларга ижара ҳуқуқи асосида берилади:

1) вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг очиқ электрон танлов натижаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори билан — жисмоний ва юридик шахсларга;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан:

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифига кўра — давлат илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига;

ер участкаси норматив қийматининг икки бараваридан ортиқ миқдордаги пул маблағлари депозитга қўйилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳокимининг таклифига кўра — агро-саноат кластерларига;

қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга. Бунда бериладиган ер участкасининг ўлчами инвестиция ҳажмига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари қуйидагиларга ижара ҳуқуқи асосида берилади:

электрон онлайн-аукцион асосида — жисмоний ва юридик шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга. Бунда берилётган ер участкасининг ўлчами инвестиция ҳажмига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ижарага берилади. Мазкур шахслар (бундан халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар мустасно) ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги бозор қийматини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлаши керак.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларининг ижарасига оид шартнома туман (шаҳар) ҳокими билан тузилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкасини ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, бундан ушбу Кодекснинг 24²-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи фақат кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўз ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақли.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ҳамда шартномада мустаҳкамлаб қўйилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ушбу Кодекснинг 46¹-моддасида белгиланган ўлчамларда ўттиз йил муддатга ижарага берилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни ижарага бериш муддати юз йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ер участкалари йигирма беш йилгача бўлган муддатга ижарага берилади»;

еттинчи — ўнинчи қисмлари тегишинча **ўн учинчи — ўн олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

16) **24¹-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«24¹-модда. Доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларининг ижараси

Давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилиши мумкин. Бунда қуйидаги ерлар уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин:

қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган суғориладиган ерлар ва лалми ерлар — Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига;

ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари — жисмоний ва юридик шахсларга.

Ушбу модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган инвесторларга ўттиз йил муддатга, ушбу Кодекснинг 46¹-моддасида белгиланган ўлчамларда ижарага берилиши мумкин.

Давлат органларига, муассасаларига ва корхоналарига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатига — хусусий шерикка;

ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномаларнинг амал қилиш муддатига — нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига;

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бошқа юридик шахсларга ижарага берилиши мумкин.

Ушбу модданинги учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

17) **24³-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24³-модда. Ер участкасини унга бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ижара ёки мулк ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда вақтинча фойдаланишга бериш

Дехқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкалари эгалари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ижара ёки мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин. Ер участкасидан вақтинча фойдаланиш тартиби тарафларнинг келишуви асосида белгиланади. Бунда деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкалари эгаларининг ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқи сақланиб қолади»;

18) қуйидаги мазмундаги **24⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«24⁴-модда. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш туман (шаҳар) ҳокими ва ижарага олувчи ўртасида тузилган ер участкасининг ижарасига оид шартнома асосида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси томонидан белгиланган тартибда электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда очиқ ҳолда эълон қилинади»;

19) **27-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкаларини реализация қилиш

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун 0,04 гектаргача ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали мулк ҳуқуқи асосида реализация қилинади.

Якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилишда ер участкаларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш шартлари назарда тутилиши керак»;

20) **32-модданинг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

21) **34-модда** чиқариб ташлансин;

22) **36-модда:**

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 6 — 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида кўрсатилган ҳолда тугатиш тегишли туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг таклифига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органлари ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни очиқ танлов ва электрон онлайн-аукцион яқунлари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш ёки ўзгартириш йўли билан бекор қилишга ҳақли эмас, бундан ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

23) **44-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **учинчи — олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суғориладиган ерлардан фақат қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, шунингдек боғдорчилик, узумчилик ва кўп йиллик дов-дарахтлар етиштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳуласасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

Суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун,

шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун, шунингдек унумдор тупроқ талаб этилмайдиган илғор технологияларнинг (гидропоника ва бошқалар) янги усуллари қўлланиладиган иссиқхоналар қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмайди.

Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда уларга тупроқ унумдорлиги пасайишига олиб келадиган тарзда усуллар билан ишлов бериш ёки уларнинг шикастланишига олиб келувчи бошқа усулларни қўллаш тақиқланади»;

24) **45-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тупроқ унумдорлигига кўра ўртача туман бонитет баллидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди»;

25) қўйидаги мазмундаги **45¹-модда** билан тўлдирилсин:

«45¹-модда. Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари

Қонунчиликка мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидир.

Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари белгиланган тартибда давлат мўлки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун бериш фақат бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ҳисобидан амалга оширилади»;

26) **46-модда:**

биринчи қисмининг:

1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) қишлоқ хўжалиги кооперативларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, шунингдек бошқа юридик шахсларга — товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун»;

5 ва 6-бандлари чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

27) қўйидаги мазмундаги **46¹-модда** билан тўлдирилсин:

«46¹-модда. Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг ажратиладиган ўлчамлари

Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қўйидаги ўлчамларда ажратилади:

1) деҳқон хўжалигини юритиш учун — 0,06 гектардан 1 гектаргача;

2) фермер хўжаликларига ва бошқа юридик шахсларга:

сабзавотчиликка ихтисослашганларга — камида 3 гектар;

боғдорчиликка, узумчиликка ихтисослашганларга — камида 3 гектар;
чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашганларга озуқа экинларни етиштириш учун (шартли бир бош қорамол учун) — суғориладиган ерлардан — камида 0,3 гектар, лалмикор ерлардан — камида 1 гектар, яйловлар ва пичанзорлардан — камида 2 гектар;

пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашганларга — камида 30 гектар;
ғаллачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашганларга — камида 10 гектар;

3) агросаноат кластерлари, шу жумладан кооперация шаклидаги кластерлар учун:

пахтачилик-тўқимачиликка ихтисослашганларга — камида 2000 гектар;
ғаллачиликка ихтисослашганларга — камида 1000 гектар;

сабзавотчилик ва полизчиликка ихтисослашганларга — камида 200 гектар;

боғдорчилик, узумчиликка ихтисослашганларга — камида 100 гектар;
чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашганларга озуқа экинларини етиштириш учун (шартли бир бош қорамол учун) суғориладиган ерлардан — камида 0,3 гектар, лалмикор ерлардан — камида 1 гектар, яйловлар ва пичанзорлардан — камида 2 гектар»;

28) **54-модда** чиқариб ташлансин;

29) **55-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дехқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш тартиби «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

Дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекс 24-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида белгиланган тартибда қабул қилинади»;

30) **56-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«56-модда. Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган ер участкалари

Жамоа полизчилиги учун берилган ер участкаларидан сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштиришда фойдаланилади. Улардан уйлар ва бошқа капитал иншоотлар қуриш учун фойдаланиш тақиқланади. Бундай участкаларда умумий фойдаланишдаги муваққат иморатлар ва иншоотларни қуришга қонунчиликда белгиланган тартибда рухсат берилиши мумкин.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун берилган ерлардан фойдаланиш тартиби ва шартлари қонунчилик билан белгиланади»;

31) **57-модда** чиқариб ташлансин;

32) **62-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари уй-жой, маданий-маиший, саноат объектлари қуриш ва капитал қурилишнинг бошқа турлари учун, шунинг-

дек якка тартибда уй-жой қуриш учун ушбу Кодексда белгиланган тартибда берилади»;

33) **80-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерларнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш қонунчилиқда белгиланадиган тартибда табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш органлари ва бошқа органлар билан келишиб олинади».

34) **12-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-боб. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назорат»;

35) **83-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«83-модда. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари

Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари қонунчилик талабларига жисмоний ва юридик шахслар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан риюя этилишини таъминлашдан иборатдир»;

36) қуйидаги мазмундаги **83¹-модда** билан тўлдирилсин:

«83¹-модда. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати

Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширмасликка, ўзбошимчалик билан ер участкаларини эгаллаб олишга ёки уларнинг чегараларини ўзгартиришга, ерларнинг тоифасидан қатъи назар, барча турдаги бинолар ва иншоотларни ўзбошимчалик билан қуришга йўл қўймаслик устидан давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмайди.

Махсус ваколатли давлат органлари ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ зарур статистик ахборотни, таҳлилий материалларни, ҳужжатларни, бошқа ахборотни, қарорларни ҳамда бошқа ҳужжатларни, шу жумладан очиқ танловларга ва электрон онлайн-аукционларга тааллуқли ахборотни давлат органлари ва ташкилотларидан ёки уларнинг мансабдор шахсларидан беғараз асосда сўраш ва олишга ҳақли.

Давлат органлари, ташкилотлари ва мансабдор шахслар сўралаётган

ахборотни махсус ваколатли давлат органларига беш иш куни ичида тақдим этиши керак»;

37) **84-модда:**

номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«84-модда. Ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назорати»;

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ер участкаларини ажратиш, улардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини ўз ваколатлари доирасида амалга оширишга ҳақли»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **иккинчи — тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин»;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш, улардан тегишли ҳужжатларда кўрсатилган нормалардан ортиқча тарзда ғайриқонуний тарзда фойдаланиш, қонунга хилоф объектларни ва иншоотларни қуриш ҳоллари, ер муносабатлари соҳасидаги суиистеъмолликлар тўғрисида фото- ва видеоёзув техникасидан фойдаланилган ҳолда тасдиқланган хабарлар учун жамоатчилик назорати субъектлари рағбатлантирилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектларини рағбатлантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

38) қўйидаги мазмундаги **91¹-модда** билан тўлдирилсин:

«91¹-модда. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш оқибатлари

Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкасида барпо этилган ҳар қандай бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни белгилашга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш учун ажратилмаган ер участкасида қонунга хилоф қурилиш объектини барпо этган шахслар инсофли мулкдор деб тан олинмайди.

Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларидаги қонунга хилоф қурилиш объектларини сув таъминоти, оқова сув, электр, иссиқлик энергияси ва газ тармоқларига улаш тақиқланади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул

қилинган «**Давлат ер кадастри тўғрисида**»ги 666–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 432-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг номи ва биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ер кадастрини юритиш қўйидагилар орқали таъминланади:

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг тегишли бўлинмалари томонидан бажариладиган аэрокосмик суратлар олишни, топография-геодезия, картография тадқиқотларини амалга ошириш, ерларни инвентаризациядан ўтказиш, ерларни миқдор жиҳатдан ҳисобга олиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш;

ерларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

жорий тадқиқотлар, суратга олишлар ҳамда ерларни инвентаризациядан ўтказиш материалларидан фойдаланган ҳолда ер-кадастр ахборотига оид маълумотлар банкларини яратиш ва сақлаб туриш.

Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ер кадастрини юритиш қўйидаги йўл билан амалга оширилади:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига доир битимларни давлат рўйхатига олиш;

кадастрга оид суратга олиш;

ер участкаларининг эгаларидан, улардан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ва ер участкаларининг мулкдорларидан маълумотлар олиш, уларнинг тўғрилигини текшириш, ер кадастрга доир ҳужжатларга жорий ўзгартишлар киритиш.

Давлат ер кадастрини юритишда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қўйидагилар амалга оширилади:

типроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ҳамда тадқиқотлар;

ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Давлат кадастрлари тўғрисида**»ги 171–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 19-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **10-моддаси биринчи қисмидаги** ва **иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **21-модда иккинчи қисмининг 2-банди** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг органлари»;

2) **73²-модданиннг биринчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган «**Географик объектларнинг номлари тўғрисида**»-ги ЎРҚ–303-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 273-модда; 2017 йил, № 8, 383-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданиннг:**

еттинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (бундан буён матнда Кадастр агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **8-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **9-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **11-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **13-модданинг:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг» деган сўзлар «**Кадастр агентлигининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **14-модданинг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитасига» деган сўзлар «Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **17-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Экологик назорат тўғрисида**»ги ЎРҚ–363-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-

си, 2013 йил, № 12, 352-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 9, 591-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **11-моддасининг биринчи қисмидаги ва тўртинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова) **27-моддасининг биринчи қисми 2-бандидаги** «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «махаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майда қабул қилинган **«Ййловлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–538-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 263-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **25-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4) **29-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 августда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари-ни хусусийлаштириш тўғрисида**»ги ЎРҚ–552-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 8, 463-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **17-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова) **243-моддасининг 16-бандидаги** «ер ресурслари ва давлат кадастри» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 8-модданинг биринчи қисми:

37-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **41-банд** билан тўлдирилсин:

«41) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича»;

2) 9-модданинг биринчи қисми:

22-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекис-

тон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **27-банд** билан тўлдирилсин:

«27) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича»;

3) **илованинг:**

4-банди «м» кичик банди изоҳидаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг» деган сўзлар «Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36-банди чиқариб ташлансин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 июлда қабул қилинган «**Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–626-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 446-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **46-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида**»ги ЎРҚ–635-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 8, 492-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модданинг:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **15-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **45-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

21-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 6-моддасининг 36, 37 ва 38-бандлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 август,
ЎРҚ-708-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

486 Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 15 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги 1062–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **5-моддаси учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «патент берилганлигига қарши эътироз билдириш» деган сўзлар «патент берилганлиги юзасидан низолашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 августда эълон қилинган.

510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **1065-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги «эллик»** деган сўз «етмиш» деган сўз билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «**Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида**»ги 267–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 8-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилгандан сўнг Агентлик ушбу талабнома ҳақидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтига бир иш куни ичида жойлаштиради.

Талабнома ҳақидаги маълумотлар расмий веб-сайтга жойлаштирилгандан сўнг манфаатдор шахслар Агентликка товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун ноҳалол топширилган аризалар ҳақидаги ёзма эътирозларини тақдим этишлари мумкин»;

учинчи, тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 15-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тарафларнинг келишувига кўра амалга ошириладиган муҳофазага лаёқатлилиқ ахборотини излаш ўтказилган тақдирда, талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир ой ичида ўтказилади»;

3) 26-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилади. Бунда мутлақ ҳуқуқ товар белгиси Товар белгиларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш даврида амалга оширилади ҳамда товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўша куннинг ўзида Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади»;

4) 27-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «сохталаш-

тирилган бўлади» деган сўзлар «контрафакт ҳисобланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлда қабул қилинган «**Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–42-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 372-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **35-модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги** «элик» деган сўз «етмиш» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **65-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарар қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда тўланиши лозим бўлган товонни тўлашини».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 август,
ЎРҚ–709-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

487 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида*

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, коронавирус пандемияси даврида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида:

1. 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 1,1 баробарга оширилсин.

2. 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 822 000 сўм;

базавий ҳисоблаш миқдори — ойига 270 000 сўм;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 289 000 сўм;

ёшга доир энг кам пенсиялар — ойига 565 000 сўм;

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига 622 000 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 440 000 сўм;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига 440 000 сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 623 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори — ойига 623 000 сўм;

1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инobatга олган ҳолда — ойига 2 750 000 сўм этиб белгилансин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига 440 000 сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 августда эълон қилинган.

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига 440 000 сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун 165 000 сўмдан қўшилиши белгилансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

4. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2021 йил 1 сентябрдан иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.А. Кучкаров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 ноябрга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 август,
ПФ-6279-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 17 августдаги
ПФ-6279-сон Фармониغا
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6038-сон Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6224-сон Фармонининг 1-бандида:

а) «10 майдан» сўзлари «1 сентябрдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «2,5 миллион» сўзлари «2,75 миллион» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6241-сон Фармонининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг энг кам пенсия ва нафақа миқдорларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларини инobatга олиб, 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

а) белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов (кейинги ўринларда — қўшимча тўлов) жорий этилсин;

б) боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун қўшимча тўлов жорий этилсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4938-сон қарорининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. 2021 йил 1 февралдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам миқдори — 434 000 сўмдан 1 085 000 сўмгача этиб белгилансин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**488 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ-6207-сон Фармони, 2021 йил 17 мартдаги «Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-5031-сон ва 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5073-сон қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 август,
ПФ-6280-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 21 августдаги
ПФ-6280-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги ПФ-5515-сон Фармони 17-банди иккинчи хатбошисидан «ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 августда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ–5544-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларининг 34-позициясида:

«Асосий масъул орган» устунидаги «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари «Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Мақсад (2030)» устунидаги «80,0» рақами «90,0» рақами билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5583-сон Фармони 7-бандининг биринчи хатбошисидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул давлат органлари рўйхатида:

а) 2.1-позициянинг «Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш» ва «Акциядорлар бошқаруви» индикаторларида «Масъул давлат органлари» устунидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (А. Назиров)» сўзлари «Молия вазирлиги (Т. Ишметов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2.9-позициядаги «Венчур капиталининг мавжудлиги» ва «Бозор капиталлашуви» индикаторларида «Масъул давлат органлари» устунидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (А. Назиров)» сўзлари «Молия вазирлиги (Т. Ишметов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3.6-позициянинг «Масъул давлат органлари» устунидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (А. Назиров)» сўзлари «Молия вазирлиги (Т. Ишметов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5656-сон Фармони 3-бандида:

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5870-сон Фармонига 1-илованинг 1-бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгарти-

ришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5968-сон Фармонига 1-илованинг 14-банди учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли иш-лашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги ПФ–6003-сон Фармонида:

а) 3-илованинг 2.6-позицияси «Масъул давлат органлари» устунидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (А. Назиров)» сўзлари «Молия вазирлиги (Т. Ишметов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-иловада:

2-позициянинг «Масъул ижрочилар» устунидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позициянинг «Масъул ижрочилар» устунидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–6033-сон Фармонида:

а) 3-бандда:

учинчи хатбоши «бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 7-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) илованинг 3-банди «б» кичик бандининг олтинчи ва еттинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–505-сон қарори 1-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2847-сон қарорида:

а) 1-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«қимматли қоғозлар бозори, букмекерлик ва лотереяларни ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш, шунингдек, корпоратив бошқарувни ривожлантириш»;

б) 7-илованинг рус тилидаги матнида:

8-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«регулирование рынка ценных бумаг, букмекерской деятельности и

деятельности по организации лотерей, а также развитие корпоративного управления»;

9-банд қўйидаги мазмундаги 16-кичик банд билан тўлдирилсин:

«16) в сфере развития рынка капитала:

реализует единую государственную политику в области формирования, развития, регулирования, контроля и корпоративного управления на рынке ценных бумаг;

обеспечивает защиту прав и законных интересов инвесторов, занимающихся практикой ценных бумаг, а также владельцев ценных бумаг;

осуществляет контроль за соблюдением актов законодательства о рынке ценных бумаг, об акционерных обществах и защите прав акционеров;

информирует инвесторов и общественность о состоянии развития отечественного рынка капитала и его профессиональных участниках;

регулирует деятельность организаторов торгов ценными бумагами и профессиональных участников рынка ценных бумаг, а также букмекерской деятельности и деятельности по организации лотерей;

разрабатывает нормативно-правовые акты в сфере регулирования рынка ценных бумаг, проводит аттестацию специалистов профессиональных участников и выдает квалификационные аттестаты;

устанавливает требования к выпуску и регистрации ценных бумаг, отчетности по ним, а также ведению реестров владельцев ценных бумаг и реестра учета сделок с ценными бумагами;

устанавливает обязательные нормативы уровня достаточности собственных средств и показателей, ограничивающих риски по операциям с ценными бумагами;

информирует общественность о состоянии рынка ценных бумаг и его участниках, а также посредством обеспечения гласности сведений, предусмотренных законодательством;

осуществляет эффективное сотрудничество с зарубежными и международными институтами по вопросам развития и регулирования рынка капитала».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3852-сон қарорига 2-иловининг 6-позицияси рус тилидаги матнида:

«Уполномоченный орган (организация), ответственный за показатель» устунидаги «Агентство по развитию рынка капитала» сўзлари «Министерство финансов» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Государственные органы и организации, участвующие в административных процедурах» устунидан «Министерство финансов» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томо-

нидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмундаги 42-банд билан тўлдирилсин:

«42. Монополист корхоналар ва (ёки) устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахс, устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахс томонидан биржа савдоларида сотилаётган махсулотларни хариддорларга аффилиланган шахс бўлган ташиш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг автотранспортда ташиш хизматлари».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4160-сон қарорига 2-илованинг рус тилидаги матнида 6-позиция «Ответственное министерство, ведомство» устунидаги «Агентство по развитию рынка капитала» сўзлари «Минфин» сўзи билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорига:

3-банднинг иккинчи хатбошисидан ва 5-банднинг «б» кичик бандидан «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-илованинг 5-позицияси «Масъул ижрочилар» устунидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (О. Назиров)» сўзлари «Молия вазирлиги (О.Исаков)» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги «Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4664-сон қарори 9-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарори билан тасдиқланган 2020 — 2022 йилларда электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхатининг 36-позициясидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПҚ-4756-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларни бажаришга масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатининг 39¹-позицияси «Тўловчилар номи» устунидаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги ПҚ-4965-сон қарори билан тасдиқланган Интеллектуал мулк (ихтиро,

фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуқлари) соҳасини ривожлантириш бўйича 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастурининг 11-позицияси «Масъул ижрочилар» устундаги «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (А. Назиров)» сўзлари «Молия вазирлиги (Т. Ишметов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги «Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ–5031-сон қарорида:

а) 1-банднинг «а» кичик банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«истеъмол этил спирти — ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тегишли лицензия ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларга, шунингдек, фақат ўз эҳтиёжлари учун охириги истеъмолчи сифатида фойдаланиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларига»;

б) 5-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«харидорларга ташиш хизматини кўрсатувчи, аффилиланган шахс бўлган корхоналар томонидан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилади»;

в) 1-илованинг 1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

<p>1. Биржа савдолари электрон тизимини такомиллаштириш.</p>	<p>1. Электрон биржа савдоларининг янги тизими ишга тушириш. Бунда: савдо жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, иштирокчиларни онлайн аккредитациядан ўтказиш ҳамда биржа савдоларида WEB-интерфейс орқали иштирок этиш имкониятини яратиш; электрон рақамли имзо ва QR-код воситасида шартномаларни электрон расмийлаштириш; ташқи аралашувларнинг олдини олувчи механизмни жорий этиш, кибер хавфсизлик даражасини ошириш ҳамда Интернет тармоғи орқали сўровларни саралаш. 2. Биржа савдоларида реализация қилинаётг юқори ликвидли ва (ёки) монопол турдаги маҳсулотларни охириги истеъмолчига етказиб бериш жараёни тўлиқ рақамлашган шаффоф навбат тизимини назарда тутувчи электрон логистика хизматлари портални ишга тушириш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p>	<p>«ЎзРГХБ» АЖ, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги</p>
--	--	--------------------------	---

»;

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ–5113-сон қарори билан тасдиқланган Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 2021 йилга мўлжалланган «йўл харитаси»да:

а) 17-позициянинг «Бажариш муддати» устунидаги «июль» сўзи «октябрь» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 40-позицияда:

«Бажариш муддати» устунидаги «июль» сўзи «октябрь» сўзи билан алмаштирилсин;

«Масъул ижрочилар» устуни «Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев)» сўзларидан олдин «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов),» сўзлари билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 21 августдаги
ПФ–6280-сон Фармониға
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатининг III бўлими 10-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПФ–5496-сон Фармониға илованинг 3-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибға солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришға доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5656-сон Фармониға 2-илованинг 5-банди «а» кичик банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ–6003-сон Фармони билан тасдиқланган Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши таркибининг 31-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришға, терроризмни молиялаштиришға ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришға қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3947-сон қарори 6-бандининг «е» кичик банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**489 Автомобиль транспортида юк ташувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Автомобиль транспортида юк ташувчи тадбиркорлик субъектларининг автотранспорт воситалари паркини янада янгилаш ва модернизация қилиш, маҳаллий юк ташувчилар учун қулай рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, автомобилда халқаро ташувлар соҳасини ривожлантиришнинг ижобий тенденциясини сақлаб қолиш мақсадида:

1. Юк ташиш учун мўлжалланган, ишлаб чиқарилганига 7 йилдан ошмаган қўйидаги транспорт воситаларини 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда уларга божхона божининг, утилизация йиғимининг ва автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун автотранспорт йиғимларининг ноль ставкалари қўлланилсин:

«Евро-5» ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган автотранспорт воситалари (ТИФ ТН кодлари 8701 20, 8704 22 (самосваллардан ташқари);

тиркамалар ва ярим тиркамалар (ТИФ ТН кодлари 8716 31, 8716 39).

2. Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган, ишлаб чиқарилганига 7 йилдан ошмаган қўйидаги транспорт воситалари 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда мажбурий сертификатлашдан озод қилинсин:

«Евро-5» ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган юк ва махсус автотранспорт воситалари;

автомобиль транспортида юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркамалар ва ярим тиркамалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Белгилансинки, мазкур қарорга илованинг 2-банди «б» кичик банди ҳамда 3-банди «в» кичик банди у расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республика-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 августда эълон қилинган.

си Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 август,
ПҚ-5225-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 19 августдаги
ПҚ-5225-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3589-сон қарорининг 11-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. Асосий фаолияти автобусларда йўловчи ташишни амалга ошириш бўлган умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчи транспорти ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга ер солиғи тўловларидан озод этилсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4230-сон қарорида:

а) 1-банднинг «б» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) транспорт-экспедиторлик хизматларини мажбурий сертификатлашни»;

б) 9-банднинг учинчи хатбошисидан «8701 20,», «8704 22,» ва «, 8716 31, 8716 39» рақамлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 октябрдаги «Коронавирус пандемияси даврида ташқи иқтисодий фаолият, туризм ва қурилиш соҳаларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 665-сон қарорининг 1-бандида:

а) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) учинчи-тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи-учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) иккинчи хатбошидаги «кодлари 8704 22,» сўзлари «коди» сўзи билан алмаштирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

490 Кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республикада кам таъминланган оилалар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларида куни узайтирилган гуруҳларда ўқишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки, умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда болалар таъминоти учун ота-оналар тўловлари «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган:

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг фарзандлари учун — «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар учун — «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

«Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун — «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

«Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилмаган оила (шахс)ларнинг фарзандлари ва ёшлар учун — «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 августда эълон қилинган.

кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқишга хоҳиш ва имкониятларини ўрганиш ҳамда ўқиш истагида бўлганларнинг рўйхатларини шакллантириш;

кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқиши учун ота-оналар тўловини «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда болалар таъминоти учун ота-оналар тўловлари ўз вақтида қоплаб берилишини ва куни узайтирилган гуруҳларда болаларнинг қатновини ҳар чоракда камида бир марта пухта таҳлил қилган ҳолда, жойларда кўрилаётган чоралар самарадорлиги тўғрисида масъул ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда тегишли халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида ҳисобот бериб борсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 август,
523-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 августдаги 523-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Кам таъминланган оилалар фарзандларининг
умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган
гуруҳларда болалар таъминоти учун ота-оналар
тўловини қоплаб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила (шахс)ларнинг (кейинги ўринларда — кам таъминланган оилалар) фарзандларини умумтаълим муассасалари ва айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларидаги (кейинги ўринларда — умумтаълим муассасалари) куни узайтирилган гуруҳларда болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини (кейинги ўринларда — тўлов) «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармаси (кейинги ўринларда — жамғармалар) маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Тўлов жамғармалар маблағлари ҳисобидан ҳар бир болага ўқув йили давомида бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизигача бўлган миқдорда қоплаб берилади.

3. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига асосан умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда болалар таъминоти учун ота-оналар тўловидан озод этилган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**2-боб. Кам таъминланган оилалар фарзандлари
рўйхатларини шакллантириш**

4. Кам таъминланган оилалар фарзандларининг рўйхатларини шакллантириш ва умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда болалар таъминоти учун ота-оналар тўловларни қоплаб бериш ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари умумтаълим муассасалари билан биргаликда ҳар йили 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида мавжуд бўлган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида тегишли умумтаълим муассасаларида таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларини аниқлайди.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, аниқланган рўйхатлардан умумтаълим муассасаларининг куни узайтирилган гуруҳларида ўқиш истаги бўлмаган ҳамда тўлов тўлашдан озод этилган кам таъминланган оила фарзандлари чиқариб ташланади.

6. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари бўйсунувидаги умумтаълим муассасалари билан биргаликда ҳар йили 5 августга қадар ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқиш истагида бўлган ҳамда тўлов тўлашдан озод этилмаган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари рўйхатини шакллантиради.

Рўйхатларни шакллантириш жараёнида умумтаълим муассасалари туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими билан биргаликда кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқишга бўлган хоҳиш ва имкониятларини улар билан суҳбат ўтказиш орқали ўрганади ва инобатга олади.

7. Шакллантирилган рўйхатлар ҳар йили 10 августга қадар туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг бўлими билан келишилади ва халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашига тасдиқлаш учун кириштилади.

Бунда, ушбу рўйхатлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг бўлими билан электрон равишда (электрон тизим орқали) келишилади ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига келишув хатларини илова қилган ҳолда киритади.

3-боб. Тўловни жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш

8. Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашининг кам таъминланган оилаларнинг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқийдиган фарзандларининг тўловларини қоплаб бериш тўғрисидаги қарори (кейинги ўринларда — қарор) қабул қилинганидан сўнг бир кун ичида туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мазкур қарорни тегишли умумтаълим муассасаларига етказди.

Умумтаълим муассасаси қарор келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида мазкур қарорда назарда тутилган ўқувчиларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан шартнома тузади.

Тузилган шартномаларнинг нусхалари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори қабул қилингандан кейин ўн кун ичида жамланади ва тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлимига белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш учун юборилади.

9. Тўлов қўйидаги манбалар ҳисобидан қоплаб берилади:

«Аёллар дафтари»га киритилган ва кам таъминланган оиладаги хотин-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қизларнинг фарзандлари учун — «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар учун — «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

«Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун тўловлар — «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

«Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилмаган оилаларнинг фарзандлари ва ёшлар учун тўловлар — «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

10. Туман (шаҳар) ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлимининг бухгалтерия бўлими томонидан тўлов ўқув йили (сентябрь — май ойлари) давомида ойма-ой тўлаб борилади. Жорий ой учун тўлов шу ойнинг ўнинчи санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

11. Кам таъминланган оилалар фарзандлари куни узайтирилган гуруҳга ой давомида тўлиқ қатнашмаган ҳолларда, тўлов тўлиқ бўлмаган ой учун, яъни бола амалда куни узайтирилган гуруҳга қатнашган кунлар учун тўланади.

Бунда боланинг куни узайтирилган гуруҳга келмаган кунлари сони бир кунлик тўлов миқдорига кўпайтирилиб, кейинги ой учун тўлов суммаси чиққан суммага камайтиради.

12. Бир кунлик тўлов миқдори ойлик тўлов миқдорини куни узайтирилган гуруҳ иш кунларининг режадаги сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

13. Тўлов ота-оналар билан умумтаълим муассасаси ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Шартномалар бир ўқув йили учун тузилади.

14. Тўлов умумтаълим муассасасига хизмат кўрсатувчи тегишли вазначилик бўлимининг ҳудудий вазначилик ҳисобварағига ўтказилади.

15. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими умумтаълим муассасасидаги куни узайтирилган гуруҳга келмаган ўқувчилар, келмаган кунлар, ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан умумтаълим муассасаси ўртасида тузилган шартноманинг бекор қилинганлиги ёки тўлов тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар ўқув йили ойнининг 5-санасига қадар умумтаълим мактаблари кесимида туман (шаҳар) ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлимига тақдим этиб боради.

16. Ота-оналар томонидан шартнома шартларининг зарур даражада бажарилмаслиги, боланинг умумтаълим муассасасидаги куни узайтирилган гуруҳларда қатнашмаслиги ёки ўқишнинг бошқа муассасага ўтказилиши тўловни тўхтатиш учун асос бўлади.

4-боб. Якунловчи қоида

17. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 августдаги 523-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 11 мартдаги 132-сон қарорида:

а) 3-банд қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ёшлар дафтари»га киритилган кам таъминланган оилаларнинг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларга қатнаётган ҳар бир фарзанди учун тўловни ўқув йили давомида ҳар бир ой учун БҲМнинг 25 фоизигача бўлган миқдорда қоплашга;»;

б) ўн биринчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 1-илованинг 5-банди қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ёшлар дафтари»га киритилган кам таъминланган оилаларнинг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларга қатнаётган ҳар бир фарзанди учун тўловни ўқув йили давомида ҳар бир ой учун БҲМнинг 25 фоизигача бўлган миқдорда қоплашга;».

г) ўн биринчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-ф-сон фармоиши билан тасдиқланган «Саховат ва кўмак» жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 6-банди «таъминлаш» сўзидан кейин «, шунингдек, «Темир дафтар»га киритилган ёки «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилмаган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳлардаги тўловни қоплаш» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**491** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 22 апрелдаги ПҚ–5090-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ҳамда раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ва жавобгарлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузуридаги Экспертлар кенгаши тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:

Экспертлар кенгаши фаолиятини ташкил этиш ва унинг таркибини шакллантириш тартиби;

Экспертлар кенгашининг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ:

ходимларни мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби;

ходимларни мукофотлаш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳолатлари ва асослари;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 августда эълон қилинган.

ходимларни рағбатлантириш тадбирларини молиялаштириш манбаларини белгилаш тартиби;

г) Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 август,
525-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 августдаги 525-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини
назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда — «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси) мақомини, асосий вазифа ва функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бошқа сув хўжалиги объектлари (кейинги ўринларда — хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари) хавфсизлигини, ишончли ишлаши ҳамда кўриқланишини назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларига I, II ва III синф, шунингдек, фавқулодда вазиятларда юқори даражада хавф солувчи III синфдан паст бўлган гидротехника иншоотлари кирази.

3. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди ва ҳисобот беради.

4. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўз фаолиятини тегишли давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ўз ваколати ва қонунчилик доирасида қабул қилган қарорлари ва кўрсатмалари давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

8. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси;

қисқартирилган номи — «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственная инспекция по контролю за безопасностью объектов водного хозяйства при Кабинете Министров Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи — «Госводхознадзор»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — State Inspection for control of safety of water management facilities under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи — «Statewatermanaginspection».

9. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг жойлашган жойи (почта манзили): 100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Турккўрғон кўчаси, 26-уй.

**2-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат
инспекциясининг тизими**

10. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси тизимига қуйидагилар киради:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг марказий аппарати; Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий инспекторлари ҳамда бош мутахассислари (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекторлар ва бош мутахассислар);

«Гидротехника иншоотларининг диагностикаси маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — Диагностика маркази).

**3-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг
асосий вазифалари ва функциялари**

**1-§. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг
асосий вазифалари ва функциялари**

11. Қуйидагилар «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқланишини назорат қилиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини жойлаштириш ва лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келишиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик даражасини аниқлаш ишларига замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий қилиш;

фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш.

12. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқланишини назорат қилиш соҳасида:

тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлаши билан боғлиқ ходисаларнинг олдини олишга доир таклифларни ишлаб чиқади;

тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ишончилигини ҳамда бехатар

ишлашини, уларнинг барча жараёнларда экспертизадан ўтказилишини назорат қилади;

гидротехника иншоотларининг ҳолатини ва уларнинг хавфсизлик декларацияларига ва мезонларига мувофиқлигини текширишни ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини жойида ўрганишни, натурада кузатишни ва диагностикасини амалга оширади;

тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда давлатлараро ва чегаравий сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш масалаларини чегарадош давлатлар билан тартибга солишда иштирок этади;

гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

хўжалик фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун гидротехника иншоотлари ҳудудларидан, дарёлар ўзанлари ва уларга туташ иншоотларнинг қўйи ва юқори ҳудудларидан (сув муҳофазаси зоналарида ер участкалари бериш бундан мустасно) фойдаланишни келишади;

ваколатли органларга сув муҳофазаси зоналарини, сув омборлари, дарёлар, каналлар ва коллекторларнинг соҳилбўйи минтақаларини белгилаш ишларини ташкил этишда қўмаклашади, ушбу зоналар ва чизиқларга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

б) хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларини жойлаштириш ва лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келишиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш соҳасида:

гидротехника иншоотларини жойлаштириш ва уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир техник топшириқларни ҳамда фойдаланиш бўйича қоидаларни келишади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик декларацияларини давлат экспертизасидан ўтказиш ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

гидротехника иншоотлари кадастрини юритади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

в) хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли ҳулосалар бериш соҳасида:

гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини лойиҳачи, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар мутахассисларини жалб этган ҳолда ўрганади ҳамда тегишли таклиф ва ҳулосалар беради;

гидротехника иншоотларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича ишчи ва давлат комиссиялари таркибида иштирок этади ҳамда тегишли таклиф ва ҳулосалар беради;

гидротехника иншоотларини консервациялаш ва тугатиш бўйича лойиҳаларни ўрганиб чиқади ҳамда тегишли таклиф ва ҳулосалар беради;

г) хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик даражасини аниқлаш ишларига замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий қилиш соҳасида:

гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасида замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни ўрганиб боради;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси моддий-техника базасини замонавий асбоб-ускуналар билан бутлайди, гидротехника иншоотлари хавфсизлиги бўйича янги технологиялар ва тажрибаларни ўзлаштириб боради;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари хавфсизлик даражасини ўрганиш, натурада кузатиш ва диагностика ишларини амалга оширишда замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий қилади ҳамда уларнинг хавфсизлик даражасини баҳолаш ишлари сифатини яхшилаб боради;

гидротехника иншоотлари хавфсизлигини ошириш ва ишончли кузатувини олиб бориш бўйича лойиҳачи ва сув хўжалиги объектларининг фойдаланувчи ташкилотларига таклифлар киритиб боради;

д) фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш соҳасида:

фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар ишида иштирок этади;

фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда уларни амалга оширишда бевосита қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг ёнгарчилик ва сел тошқинлари тўғрисидаги прогнозига асосан гидротехника иншоотларида юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан таҳлил қилади ва баҳолайди;

гидротехника иншоотларининг техник жихатдан ишончилиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган идоралараро ва давлатлараро комиссиялар ишларида иштирок этади.

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

13. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ёки ҳудудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази орқали амалга оширади.

2-§. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппаратининг асосий вазифалари ва функциялари

14. Қўйидагилар «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази билан биргаликда «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлаш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати, худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари асосида зарур чоралар кўриш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

15. Қуйидагилар «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппаратининг асосий функциялари ҳисобланади:

гидротехника иншоотлари хавфсизлигини баҳолаш бўйича мониторинг тизимини юритади ва таҳлил қилиб боради;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши тизимли назорат қилинишини таъминлайди;

худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази фаолиятини мувофиқлаштиради ва методик назоратни амалга оширади;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўз ваколатига тегишли тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий ва бошқа масалаларни ҳал қилади.

3-§. Худудий инспекторлар ва бош мутахассисларнинг асосий вазифалари ва функциялари

16. Қуйидагилар худудий инспекторлар ва бош мутахассисларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқланишини назорат қилиш;

гидротехника иншоотларини жойлаштириш ва уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир техник топшириқларни келишиш;

гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш;

фавқулудда вазиятларда гидротехника иншоотларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш.

17. Қуйидагилар худудий инспекторлар ва бош мутахассисларнинг асосий функциялари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини бажаради;

махаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, сув хўжалиги объектларининг фойдаланувчи ташкилотлари, тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда гидротехника иншоотлари техник ҳолати ҳамда бехатар ишлаши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга доир таклифларни ишлаб чиқади;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлаши бўйича инспекторлик текширувларини ўтказиши;

гидротехника иншоотларининг ҳолатини ва уларнинг хавфсизлик декларацияларига мувофиқлигини текширишни ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлаши билан боғлиқ бўлган ҳудудий ишчи гуруҳлар ишида иштирок этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик декларациялари белгиланган тартибда сифатли ишлаб чиқилишини ва экспертизага тақдим этилишини назорат қилади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этади;

хўжалик фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун гидротехника иншоотлари ҳудудларидан, дарёлар ўзанлари ва уларга туташ иншоотларнинг қуйи ва юқори ҳудудларидан (сув муҳофазаси зоналарида ер участкалари бериш бундан мустасно) фойдаланишни келишади;

ваколатли органларга сув муҳофазаси зоналарини, сув омборлари, сел-сув омборлари, дарёлар, каналлар ва коллекторларнинг соҳилбўйи минтақаларини белгилаш ишларини ташкил этишда қўмаклашади, ушбу зоналар ва чизиқларга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

гидротехника иншоотларида авария ҳолатларини ва табиий офатларни бартараф этиш ишларида иштирок этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини баҳолаш бўйича мониторинг тизимини юритади.

4-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассисларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

1-§. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

18. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

гидротехника иншоотларига монеликсиз кириш, уларнинг хавфсизлиги ва ишончли ишлаши юзасидан техник назоратни ташкил этиш масалалари, уларнинг қўриқланиши ҳамда муҳофаза зоналари ва соҳилбўйи минтақалари белгиланганлиги тўғрисидаги материаллар билан танишиш;

Ўз ваколати доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан гидротехника иншоотларидан фойдаланишнинг техник ва хавфсизлик ҳолати бўйича назорат ўрнатилганлигини текшириш;

гидротехника иншоотларининг ҳолати, улардан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотини эшитиш;

тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг гидротехника иншоотлари техник ҳолатининг ишончилиги, улардан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатлари, тадбирлар режалари, буйруқлар, йўриқномалар, маълумотлар ва бошқа материалларни талаб қилиш ва олиш, зарурат бўлганда, вазирликлар ва идоралар мутахассисларини жалб этиш;

назоратидаги сув хўжалиги объектларини техник соз ҳолатда сақлаш ва муҳофаза қилиш, уларнинг хавфсизлигини ва ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда аниқланган камчиликларни, шунингдек, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга бажарилиши шарт бўлган тақдимнома ҳамда кўрсатмалар киритиш;

гидротехника иншоотлари хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолатларда гидротехника иншоотларини лойиҳалаштирувчи, қурувчи ва улардан фойдаланувчи ташкилотларга кўрсатмалар бериш ва уларни бажармаган тақдирда, лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишни вақтинча тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

назоратидаги сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ёхуд дарёлар ўзанлари ва уларга туташ иншоотларнинг қуйи ва юқори ҳудудларида хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар фаолиятини, агар мазкур фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, белгиланган тартибда тақиқлаш ёки чеклаш;

назоратидаги сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар раҳбарлари ва хавфсизлик талаблари учун масъул бўлган раҳбар-мутахассисларнинг малакасини назорат қилиш, уларни яхшилаш бўйича тегишли равишда юқори турувчи идораларга таклифлар киритиш.

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

2-§. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

20. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика марказидан «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппаратида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни сўраш ва олиш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материаллар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш учун белгиланган тартибда худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази раҳбарлари ва вакиллари жалб қилиш, бу мақсадларда эксперт ва ишчи гуруҳларни тузиш;

худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

тезкор ҳал этиш талаб қилинадиган ва «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича белгиланган тартибда худудий инспекторлар ва бош мутахассисларга ҳамда Диагностика маркази раҳбарига топшириқ бериш;

худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази раҳбари томонидан марказий аппарат ва унинг раҳбарияти топшириқлари бажарилишини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати:

худудий инспекторлар ва бош мутахассислар билан биргаликда «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида самарали бажарилиши, марказий аппарат ходимлари ишини ташкил этиш, «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

назоратидаги гидротехника иншоотлари хавфсизлиги бўйича назорат тизимини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бошқа муаммоли масалалар бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари»нинг самарали амалга оширилиши ва ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

3-§. Худудий инспекторлар ва бош мутахассисларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

22. Худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати, тегишли идоралар ва ташкилотлардан ўзларига юкланган вазифаларни комплекс амалга ошириш учун зарур бўлган материалларни олиш;

назоратидаги гидротехника иншоотларига монеликсиз кириш, уларнинг хавфсизлиги ва ишончли ишлаши юзасидан техник назоратни ташкил этиш

масалалари, уларнинг қўриқланиши ҳамда муҳофаза зоналари ва соҳилбўйи минтақалари белгиланганлиги тўғрисидаги материаллар билан танишиш;

режали инспекторлик текширувларини ўтказиш учун «Давсувхўжалик-назорат» давлат инспекцияси марказий аппарати мутахассисларини жалб қилиш;

назоратидаги сув хўжалиги объектларини техник соз ҳолатда сақлаш ва муҳофаза қилиш, уларнинг хавфсизлигини ва ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда аниқланган камчиликларни, шунингдек, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши шарт бўлган тақдимнома ҳамда кўрсатмалар киритиш;

назоратидаги гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидалари кўпол равишда бузилган ҳолатларда гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишни вақтинча тўхтатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

назоратидаги сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ёхуд дарёлар ўзанлари ва уларга туташ иншоотларнинг қуйи ва юқори ҳудудларида хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар фаолиятини, агар мазкур фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, белгиланган тартибда тақиқлаш ёки чеклаш;

назоратидаги сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар раҳбарлари ва хавфсизлик талаблари учун масъул бўлган раҳбар-мутахассисларнинг малакасини назорат қилиш, уларни яхшилаш бўйича тегишли равишда «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига таклифлар киритиш.

Худудий инспекторлар ва бош мутахассислар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Худудий инспекторлар ва бош мутахассислар:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати билан биргаликда «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

назоратидаги гидротехника иншоотлари хавфсизлиги бўйича назорат тизимини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бошқа муаммоли масалалар бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари»нинг самарали амалга оширилиши ва ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

5-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

24. Қуйидагилар «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари

билан «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси, шунингдек, ҳудудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ўз ўринбосарининг ваколатларини белгилаш, «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз ўринбосари ва бошқа мансабдор шахсларнинг «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилиши учун уларнинг шахсий масъулияти даражаларини белгилаш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, узоқ муддатли ва жорий иш режаларини, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш прогнозларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг кадрлар захирасини шакллантириш;

фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юқори сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, уларни Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ равишда тақдим этиш, уларни Вазирлар Маҳкамасида ишлаб чиқишда, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилишда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқишда иштирок этиш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси қонунчилик фаолиятини «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ равишда ташкил этиш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ваколатига тегишли масалалар бўйича буйруқлар чиқариш, кўрсатмалар бериш ва зарур ҳолларда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорларни қабул қилиш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига тақдим этилган таклифлар ва қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама

кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равишда амалга ошириш ва ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

«Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бево-сита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсий қабулларни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

марказий аппарат ходимлари, ҳудудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази раҳбарини белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш;

Диагностика маркази устави ва штат жадвалини тасдиқлаш;

ўз ваколатлари доирасида «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси тизими ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, лойиҳа ташкилотлари, илмий ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиш;

зарур ҳолларда, ходимларнинг штатдаги белгиланган умумий сони доирасида «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш.

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларига ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Қуйидагилар «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ўзи назорат қиладиган таркибий

бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонида, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон ва «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорларига мувофиқ таркибий бўлинма раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг йиғилиши қарорлари, «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равишда амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш.

26. Қуйидагилар «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати ходимларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида ҳудудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази фаолиятини мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш, ҳудудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосарига киритиш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг йиғилиши қарорлари, бошлиқ ва унинг ўринбосарининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ходимларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини, улар-

нинг тасдиқлаш учун киритилишини, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ходимлар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси раҳбариятига киритиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мос равишда амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармонида мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш.

27. Қуйидагилар «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассисларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

ўз фаолиятига тегишли прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг йиғилиши қарорлари, «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи ва унинг ўринбосарининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонида мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқирилишини таъминлаш.

6-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси раҳбарларининг жавобгарлиги

28. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

29. Бошлиқ ўринбосари:

мутасаддилик қилинадиган ходимлар томонидан «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

30. Марказий аппарат ходимлари:

марказий аппарат ходимларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

31. Худудий инспекторлар ва бош мутахассислар:

худудий инспекторлар ва бош мутахассисларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 27-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

7-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш

1-§. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси раҳбарияти

32. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясига Вазирлар Маҳкамаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлигининг ўринбосари Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича:

бошлиқ — вазирга;

бошлиқ ўринбосари — вазир ўринбосарига;

катта мутахассислар — вазирликнинг бош бошқарма бошлиғига;

мутахассислар — вазирликнинг бўлим бошлиғига;

худудий инспекторлар — вилоятлар ҳокимликларининг бошқарма бошлиқларига;

худудий бош мутахассислар — вилоятлар ҳокимликларининг бош мутахассисларига тенглаштирилади.

33. Бошлиқ:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати ходимларини, худудий инспекторлар ва бош мутахассисларни ишга қабул қилади ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида, йиғилишларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Бошлиқ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

34. Худудий инспекторлар ўз фаолиятини «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган низом ва иш режалари асосида амалга оширади.

Худудий инспекторлар функционал вазифаларини амалий ёрдам кўрсатадиган худудий бош мутахассислар билан биргаликда бажаради.

35. Худудий бош мутахассислар:

худудий инспектор вақтинча бўлмаганда «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг тегишли буйруғи асосида унинг вазифаларини бажаради;

назоратдаги объектларнинг техник ҳолатини аниқлаш бўйича диагностика ишларини ташкил этишда иштирок этади;

гидротехника иншоотларининг умумий техник ҳолатини аниқлаш ва натижалари бўйича ташкилотларга тақдимнома ҳамда кўрсатмалар ёзишда инспекторга таклифлар киритади;

худудий инспекторнинг функционал мажбуриятлари бажарилишида амалий ёрдам кўрсатади.

36. Диагностика маркази гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ишончилигини диагностика қилади, жойларда ўрганеди, натурада кузатув ишларини амалга оширади ва кадастрларни юритиш ишларини, шунингдек, хавфсизлик декларацияси экспертизасини амалга оширади.

Диагностика маркази «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси томонидан сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар ва бошқа буюртмачилар билан тузилган шартномаларга мувофиқ бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлардан олинadиган даромадлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

2-§. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати ходимларининг худудий инспекторлар ва бош мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

37. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг марказий аппарати ходимларининг худудий инспекторлар ва бош мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлиги «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи ва унинг ўринбосари томонидан таъминланади.

38. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппарати ходимлари худудий инспекторлар ва бош мутахассислар ҳамда Диагностика маркази билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиш соҳасида:

худудий инспекторлар ва бош мутахассисларга ҳамда Диагностика марказига раҳбарият топшириқларини етказди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг худудий инспекторлари ва бош мутахассислари ҳамда Диагностика марказига уларнинг бевожута фаолияти бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассислари ҳамда Диагностика маркази фаолиятини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассислари ҳамда Диагностика маркази фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни тўплашни ташкил этади;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассислари ҳамда Диагностика маркази иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чоралар кўради;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассислари ҳамда Диагностика марказидан тушган таклифларни кўриб чиқади.

39. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассислари ҳамда Диагностика маркази марказий аппарати ходимлари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот беради;

ўз иши натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппаратига тақдим қилади;

гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган таклифларни «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси марказий аппаратига юборади.

40. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг марказий аппарати ходимлари, ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассислари ҳамда Диагностика марказининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлигининг топшириғига биноан унинг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Агар кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, у бўйича қарор бевосита «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан қабул қилинади.

3-§. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг бошқа давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

41. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

42. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассислари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

4-§. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ҳузуридаги Экспертлар кенгаши

43. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва бошқа ваколатли идораларнинг раҳбариятидан иборат бўлган Экспертлар кенгаши тузилади.

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи лавозимига кўра Экспертлар кенгаши раиси ҳисобланади.

Экспертлар кенгашининг таркиби ва Низоми Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Экспертлар кенгаши ўз ишини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низом асосида амалга оширади.

8-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

44. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекторлари ва бош мутахассислари моддий-техник таъминоти, тизим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

9-боб. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот бериши

45. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ҳисобот беради.

46. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун-

лари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, парламент ва депутат сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши мониторингини олиб боради, шунингдек, жойларда ишларнинг реал ҳолатини мунтазам ўрганади, муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилади ҳамда шу асосда стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс таклифларни ишлаб чиқади. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси фаолиятининг самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

47. Мониторинг ва баҳолаш натижаларига кўра «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг алоҳида ўрнатилган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

10-боб. Якунловчи қоида

48. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 августдаги 525-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузуридаги Экспертлар кенгаши тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг (кейинги ўринларда — Экспертлар кенгаши) асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Экспертлар кенгаши гидротехника иншоотларидан бехатар фойдаланиш ва уларнинг ишончли ишлашининг энг муҳим масалаларини кўриб чиққан ҳолда улардан фойдаланишни белгиловчи коллегиял орган ҳисобланади.

Экспертлар кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 22 апрелдаги ПҚ-5090-сон

қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 16 ноябрдаги 499-сон қарорига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ фаолият юритади.

3. Экспертлар кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

2-боб. Экспертлар кенгашининг асосий вазифалари

4. Қуйидагилар Экспертлар кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлиги бўйича идоралараро самарали ҳамкорликни таъминлаш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлиги ва ишончли ишлаши бўйича устувор масалаларни кўриб чиқиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсиз ва ишончли ишлаши учун уларни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар бериш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик декларацияси экспертизаси натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш.

5. Экспертлар кенгаши:

а) хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни кўриб чиқади ҳамда хулоса беради;

б) қуйидагиларни:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияларининг экспертиза хулосаларини;

гидротехника иншоотлари диагностикаси ва хавфсизлик декларациялари экспертизаси билан боғлиқ меҳнат сарфлари нормалар (меъёрлар)ини;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш талабларини ўз ичига олган стандартлар ва бошқа техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни;

гидротехника иншоотларининг ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник талабларни;

гидротехника иншоотларининг ҳолати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ва тадбирларни;

гидротехника иншоотлари хавфсизлик декларацияларини ва уларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни экспертиза қилувчи экспертлар таркибини ҳар уч йилда бир марта;

экспертлар таркибини танлаш бўйича тартибни тасдиқлайди.

3-боб. Экспертлар кенгашининг ҳуқуқлари

6. Экспертлар кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича хулосалар, тавсиялар, таклифлар бериш ва қарорлар қабул қилиш;

давлат бошқаруви органларидан ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан Экспертлар кенгаши ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини, хавфсиз ишлашини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича тегишли давлат бошқаруви органларидан ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан қабул қилинган қарорлар, буйруқлар, тасдиқланган иш режалари, кўрсатмалар ва бошқа тегишли маълумотларни талаб қилиб қилиш, зарур ҳолларда тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар мутахассисларини Экспертлар кенгаши ишига жалб қилиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлик қоидалари қўпол равишда бузилган тақдирда гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишни вақтинча тўхтатиш бўйича таклифлар киритиш;

сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ёхуд дарёлар ўзанлари ва уларга туташ иншоотларнинг қуйи ва юқори ҳудудларида хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар фаолиятини, агар мазкур фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, белгиланган тартибда тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисида таклифлар киритиш.

7. Экспертлар кенгаши аъзоларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

Экспертлар кенгаши йиғилишида иштирок этиш;

хизмат сафаридан ва бетоб бўлганда ёки бошқа ҳолисона сабаблар билан Экспертлар кенгаши йиғилишида қатнашиш имкони бўлмаган тақдирда раис билан ёзма келишилган ҳолда ўрнига ўзининг ваколатли вакили иштирокини таъминлаш;

Экспертлар кенгашининг йиғилишида фаол иштирок этиш, кун тартибдаги масалалар, шунингдек, йиғилиш қарори лойиҳалари бўйича ўзининг таклифларини ўз вақтида бериш ҳамда қарор лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиш.

4-боб. Экспертлар кенгаши фаолиятини ташкил этиш

8. Экспертлар кенгаши мазкур Низомга иловада* келтирилган таркибдан иборат бўлади.

9. «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи Экспертлар кенгаши раиси (кейинги ўринларда — раис) ҳисобланади.

10. Экспертлар кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги,

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Миллий гвардия, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва бошқа ваколатли идораларнинг раҳбариятидан иборат бўлади.

11. Экспертлар кенгашининг фаолияти унинг котиби томонидан ташкил этилади. Экспертлар кенгаши котиби кенгаш аъзоси ҳисобланмайди.

12. Экспертлар кенгаши котиби:

Экспертлар кенгашининг иш режалари бўйича таклифларни олади, таҳлил қилади ва иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил қилади;

Экспертлар кенгашининг йиғилиши материаллари ва бошқа зарур ҳужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида тайёрлайди, раис билан келишади;

Экспертлар кенгаши йиғилишларини ташкил этади, кенгаш аъзоларини йиғилишдан камида уч кун олдин йиғилиш санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади, тегишли материалларни кўриб чиқиш учун етказилади;

Экспертлар кенгаши йиғилиш якуни бўйича қабул қилинган қарорлар асосида кенгаш баённомаси лойиҳасини тайёрлайди, кенгаш аъзолари билан келишади ва белгиланган тартибда тасдиқланишини ҳамда Экспертлар кенгаши аъзолари ва тегишли ижрочиларга етказилишини таъминлайди;

Экспертлар кенгаши йиғилиш баённомалари ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда раисга мунтазам равишда маълумот тақдим қилиб боради.

13. Экспертлар кенгаши йиғилиши Экспертлар кенгаши раиси ва унинг ўринбосари раҳбарлигида ҳамда кенгаш аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этган тақдирда ўтказилади.

Экспертлар кенгашининг ҳар бир аъзоси умумий қарордан норози бўлган тақдирда, ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга ва бу баённомада қайд этилади. Баённомада ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари кўрсатилади. Қўшимча таклиф этилган маслаҳатчилар, мутахассислар ва экспертлар овоз беришда иштирок этмайдилар.

14. Экспертлар кенгаши йиғилишлари унинг иш режасига мувофиқ, шунингдек, заруратга қараб ўтказилади.

15. Кенгаш йиғилишларида ҳолисона сабабларга кўра унинг айрим аъзолари иштирок этмаган тақдирда, Экспертлар кенгаши раиси билан ёзма равишда келишилган ҳолда уларнинг ваколатли вакиллари қатнашади.

16. Экспертлар кенгаши баённомаси Экспертлар кенгаши котиби ва йиғилишда иштирок этган Экспертлар кенгаши барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда раис томонидан тасдиқланади ва кучга киради.

17. Экспертлар кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича қабул қилган қарорлари барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

5-боб. Яқунловчи қоида

18. Экспертлар кенгаши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 августдаги 525-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини
назорат қилиш давлат инспекцияси ходимларини моддий
рағбатлантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Инспекция ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш қўйидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ходимларга:

40 фоиз миқдорида меҳнатни рағбатлантириш коэффиенти;

узоқ муддат узлуксиз хизмати учун лавозим маошига устама;

йилда икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофот;

йилда бир марта ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам;

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳисобидан моддий ёрдам.

б) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан марказий аппарат ходимларига:

байрам кунлари учун мукофотлар;

хизмат мажбуриятларини виждонан бажарганлиги учун лавозим маошларига устамалар;

соғлиғини тиклаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида моддий ёрдам;

йилига бир марта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун моддий ёрдам.

**2-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан марказий аппарат
ходимларини рағбатлантириш миқдори ва шартлари**

3. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, Конституция куни, Янги йил ва Наврўз байрами учун ходимлар лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффицентларни ҳисобга олган ҳолда) бир бараваригача миқдорда рағбатлантирилади.

4. Хизмат вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган

ташабуускор ходимларга лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) 200 фоизгача ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Устаманинг аниқ миқдори:

Инспекция бошлиғига — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Инспекция бошлиғи ўринбосари ва марказий аппарат ходимларига — Инспекция бошлиғи томонидан белгиланади.

5. Ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда (жамоа шартномасига мувофиқ) йўл-транспорт харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача ҳамда ходимнинг овқатланиши харажатларига кўмаклашиш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача миқдорда тўловлар амалга оширилади.

6. Зарур ҳолларда (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) икки ойлик лавозим маоши миқдорида (кам таъминланган оилалар, ходимнинг даволаниши, 50, 55, 60 юбилей ёши муносабати билан, шунингдек, пенсияга чиққанда, тўй, дафн маросими ва бошқалар учун) ходимларга касаба уюшмаси билан келишган ҳолда моддий ёрдам пули берилади.

7. Ходимларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳар йили бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорда тўлов амалга оширилади.

3-боб. Ходимларни рағбатлантириш тадбирларини молиялаштириш

9. Қўйидагилар Инспекция ходимларини рағбатлантиришни молиялаштириш манбаи ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Жамғарма маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш манбалари ва миқдори қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси ҳамда бюджетдан ташқари жамғарма бўйича харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

Инспекция Жамғарма маблағлари ҳисобидан марказий аппарат ходимларини келгуси йилда рағбатлантириш бўйича таклифларини ҳар йили 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қилади.

4-боб. Яқунловчи қоида

11. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 августдаги 525-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 1999 йил 16 ноябрдаги 499-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 11-сон, 66-модда)да:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилансинки, I, II ва III синфга мансуб хавф даражаси юқори бўлган гидротехника иншоотларининг техник ҳолати ва бехатар ишлаши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси) томонидан, III синфдан паст бўлган гидротехника иншоотлари бўйича эса — иншоотларнинг мансублигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади»;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, тизимида гидротехника иншоотлари бўлган ташкилотлар»;

в) 1-илованинг 2-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат мулки бўлган, республика, минтақа, сув хўжалиги ва энергетика тизимида кирувчи I, II, III синфга мансуб хавф даражаси юқори бўлган сув гидротехника иншоотлари, шунингдек, рўйхати «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси билан келишган ҳолда декларациялайдиган ташкилот томонидан белгиланадиган фавқулодда вазиятларда юқори даражада хавф солувчи III синфдан паст бўлган гидротехника иншоотлари декларацияланиши керак»;

г) 2-иловада:

12 ва 13-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Гидротехника иншоотлари кадастрининг мазмун бўйича аниқ гидротехника иншоотининг (сув омбори, сел-сув омбори, насос станцияси, гидроузел, канал, коллектор ва бошқалар) турига нисбатан қўлланиладиган шакллари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан келишган ҳолда «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланади.

13. I, II, III синфга мансуб ва давлат мулки бўлган, шунингдек, республика, минтақа, сув хўжалиги ва энергетика тизимида кирувчи хавф даражаси юқори бўлган гидротехника иншоотларининг кадастри «Давсувхўжа-

ликназорат» давлат инспекцияси томонидан, III синфдан паст бўлган бошқа гидротехника иншоотлари бўйича — иншоотларнинг мансублигига қараб Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ва бошқа ташкилотлар томонидан юритилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом 8-бандининг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин: «гидротехника иншоотлари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва бошқа ваколатли органлар».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон катта тўғонлар миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 25 мартдаги 88-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 20-модда)да:

а) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси)» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси» сўзлари «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси) Миллий қўмитанинг ижро этувчи органи ҳисобланади»;

13 ва 18-бандлардаги «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси» сўзлари «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги 231-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Худудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандида:

а) 1¹-кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «капиталлиги III классдан» сўзлари «III синфдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 17-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси — гидротехника иншоотлари давлат кадастри (давлат мулкида бўлган, шунингдек, республика ва минтақавий сув хўжалиги ҳамда энергетика тизимларига кирадиган I, II, III синфга

мансуб хавф даражаси юқори бўлган гидротехника иншоотлари бўйича) маълумотлари учун;

в) 20-кичик банднинг:

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси» сўзлари «Иссиқлик электр станциялари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «капиталлиги III классдан» сўзлари «III синфдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 38-сон, 1053-модда)да:

а) 2-банддан бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) илованинг 5-банди бешинчи хатбошисидан «гидротехника иншоотлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) илованинг 12-бандидан бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) иловага схемада:

«Давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар» блогидан «Ўздавсувхўжаликназорат» ДИ бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, мутахассислари ва ҳудудий инспекторлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Давлат назоратининг вазифалари» блогидан «Гидротехника иншоотлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги 1009-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 12-сон, 297-модда) билан тасдиқланган Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 13-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Давсувхўжаликназорат» ДИ деб аталади)» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 24-банддаги «Давсувхўжаликназорат» ДИ» сўзлари «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2020 йил 26 августдаги 515-сон қарорига 2-иловада:

а) «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги» бўлимида:

биринчи хатбошисидаги «Йирик ва алоҳида муҳим» сўзлари «Хавф даражаси юқори бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи — еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошидаги «Йирик ва алоҳида муҳим» сўзлари «Хавф даражаси юқори» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошидаги «Мукамаллиги I, II ва III класс,» сўзлари «I, II ва III синфга мансуб хавф даражаси юқори,» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» бўлимидан кейин қўйидаги мазмундаги бўлим билан тўлдирилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини
назорат қилиш давлат инспекцияси**

Сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг (кейинги ўринларда — хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари) хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқланишини назорат қилиш.

Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини жойлаштириш ва лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келишиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш.

Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш.

Фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш».

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 августдаги 525-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси («Давсувхўжаликназорат» инспекцияси)ни ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1999 йил 30 мартдаги 143-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 12 мартдаги 215-сон қарорига 1-илова.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**492 Олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 июлдаги ПҚ–5203-сон қарорига мувофиқ ҳамда талабаларга олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 июлдаги ПҚ–5203-сон қарори 1-бандига мувофиқ:

олий таълим ташкилотлари талабаларига ажратиладиган таълим кредитлари бўйича тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун Молия вазирлиги ҳузурида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ташкил этилганлиги;

ушбу Жамғармага Давлат бюджетидан 2021 йилда камида 1 триллион сўм, кейинги йилларда эса ҳақиқий талабдан келиб чиқиб маблағ ажратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

таълим кредитлари бўйича юзага келадиган кредит таваккалчилигини Молия вазирлиги ва тижорат банклари ўртасида тақсимлаш ҳамда Жамғармадан ажратилган маблағларнинг бир қисмини тижорат банклари томонидан гаров депозити сифатида қабул қилиш;

республикадаги давлат олий таълим муассасалари, хусусий ва хорижий олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиаллари талабаларига контракт тўловлари учун кредит ажратиш;

Жамғарма томонидан таълим кредитлари учун маблағлар ажратишда тижорат банкларига қўйиладиган мувофиқлик мезонларини ўрнатиш.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда таълим кредитлари, шу жумладан, тўлов-контракт асосида тахсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тартиби ва унинг ижтимоий аҳамиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 августда эълон қилинган.

бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхати қўйидаги мазмундаги 20-банд билан тўлдирилсин:

«20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси».

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 август,
527-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 18 августдаги 527-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан
тижорат банклари орқали олий таълим ташкилотларида
тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини
ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча олий таълим ташкилотлари (давлат, нодавлат олий таълим ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий олий таълим ташкилотлари ва хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари)да (кейинги ўринларда — олий таълим ташкилоти) ва қўшма таълим дастурлари бўйича бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида тахсил олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан таълим кредитларини (кейинги ўринларда — таълим кредитлари) ажратиш ва уларни қайтариш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом қоидалари:

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан; тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағларидан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан бериладиган таълим кредитларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Таълим кредитларини бериш тижорат банклари томонидан уларнинг қайтарилиши, тўловлилиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий таълим ташкилотларининг кундузги таълим шаклида бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигига тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган ёки қабул қилинган, шунингдек ўқишини кўчирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларга (кейинги ўринларда — кредит олувчи) берилади.

Бунда, кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, эри ёки хотини) ёки васийлари таълим кредити шартномасида биргаликда кредит олувчи сифатида қатнашишлари мумкин.

Олий таълим ташкилотида таҳсил олиш мақсадида табақалаштирилган тўлов-контрактни ва табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига тенг бўлган бир марталик бошқа тўловларни амалга ошириш учун таълим кредити ажратилишига йўл қўйилмайди.

4. Таълим кредитининг асосий қарзи талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади.

Бунда, таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш олий таълим ташкилотига маблағлар ўтказилган санадан бошлаб, асосий қарзни қайтариш эса кредит олувчи томонидан олий таълим ташкилотида таълимнинг ушбу тури бўйича ўқишнинг расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб амалга оширилади.

2-боб. Тижорат банкларига қўйиладиган мувофиқлик мезонлари ва уларга маблағлар ажратиш тартиби

5. Жамғарма томонидан таълим кредитлари учун маблағлар ажратишда тижорат банкларига нисбатан қуйидаги мувофиқлик мезонлари белгиланади:

тижорат банкида таълим кредитларини ажратиш юзасидан аниқ белгиланган ички тартибнинг мавжудлиги;

тижорат банки «Fitch Ratings» ёки «Standard & Poor's» рейтинг агентликларининг «В» даражасидан ёки «Moody's Investors Service» рейтинг агентлигининг «В2» рейтингидан паст бўлмаган даражада узоқ муддатли кредит рейтингига эга бўлиши;

охирги уч йиллик молиявий ҳисоботлар бўйича аудиторлик ташкилоти ижобий хулосасининг мавжудлиги. Агар тижорат банки уч йилдан кам муддат фаолият кўрсатган бўлса, тижорат банкнинг фаолият юритган

йиллар учун молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик ташкилотининг ижобий хулосаси мавжуд бўлиши;

банкнинг регулятив капитали 500 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги;

банк Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар бўйича муддати ўтган қарздорликка эга бўлмаслиги;

Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал нормативлар бузилганлиги сабабли унга нисбатан таълим кредити берилишига тўсқинлик қилувчи амалдаги чора ва санкциялар мавжуд бўлмаслиги.

Молия вазирлиги мазкур банднинг иккинчи — олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжат ва маълумотларни мурожаат этувчи тижорат банклардан, мазкур банднинг еттинчи хатбошисида келтирилган маълумотларни Марказий банкдан белгиланган тартибда сўраб олади.

Молия вазирлиги тижорат банкларининг мувофиқлик мезонларига мос келишини баҳолашда Марказий банкдан уларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

6. Тижорат банклари мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжат ва маълумотларни Жамғармага тақдим этади.

Тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар Жамғарма томонидан беш иш кунида ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқлиги юзасидан ўрганилади.

Белгиланган мезонларга мувофиқ деб топилган тижорат банклари билан Молия вазирлиги ўртасида таълим кредитлари учун маблағлар ажратиш юзасидан Бош битим (кейинги ўринларда — Бош битим) тузилади.

Жамғарма томонидан ушбу Низом доирасида ажратиладиган маблағлар банкнинг биринчи даражали регулятив капиталидан ошиб кетмаслиги лозим.

7. Тижорат банклари мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқ эмас деб топилганда, улар билан Бош битим тузишни рад этиш ҳақида ёзма тарзда хабардор қилинади.

8. Молия вазирлиги доимий равишда мазкур Низом доирасида Молия вазирлиги билан Бош битим тузган тижорат банкларининг рўйхатини ўзининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

9. Молия вазирлиги тижорат банкларига таълим кредитлари ажратиш учун 15 йилдан кўп бўлмаган муддатга депозит маблағларни жойлаштиради.

10. Тижорат банклари таълим кредити олиш истагини билдирган кредит олувчилар реестрини (кейинги ўринларда — Реестр):

тўлов-контракт микдорининг 25 фоизи бўйича — кредит олувчилардан ҳар йили 1 сентябрга қадар кредит олиш учун келиб тушган аризалар асосида;

тўлов-контракт микдорининг 50, 75 ва 100 фоизи бўйича — ўқув йили давомида таълим кредити шартномаси тузган кредит олувчилар эҳтиёжи ҳисоб-китобидан ва ҳар йили, мос равишда, 15 декабрь, 15 март ва 15 июнга

қадар кредит олиш учун янги келиб тушган аризалар асосида шакллантиради.

11. Тижорат банклари ҳар чорак учун шакллантирилган реестрлар асосида 5 сентябрь, 20 декабрь, 20 март ва 20 июнга қадар Жамғармага таълим кредити учун маблағларни олиш мақсадида буюртманомани тақдим қилади.

Тижорат банклари томонидан мазкур банднинг биринчи хатбошида белгиланган муддатларга қадар шакллантириладиган Реестрга асосан Жамғармага бир ёки бир неча марта буюртманомана тақдим этиши мумкин.

Тижорат банклари томонидан фуқароларнинг таълим кредитига бўлган талабини ўз вақтида қондириш мақсадида тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан мазкур Низомда белгиланган шартларда ажратилган таълим кредитлари Молия вазирлигидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қайта молиялаштирилиши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) томонидан олий таълим ташкилотлари қабул параметрларига ўзгартириш киритилиши ва бошқа сабабларга кўра мазкур Низомнинг 10-бандида келтирилган муддатлардан кейин тақдим этилган аризалар асосида тижорат банклари Реестр шакллантириб боради ва ҳар ойнинг 15-санаси ва охири санасида Жамғармага буюртманомана юборади.

13. Олий таълим ташкилотлари ўқув йили давомида тўлов-контракт миқдори ўзгарган тақдирда, бу ҳақида тижорат банкларини тўлов-контракт миқдори ўзгарган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида хабардор қилади.

14. Жамғарма буюртманомалар келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунда тижорат банклари билан Молия вазирлиги ўртасида таълим кредити учун маблағларни ажратиш бўйича депозит шартномаси имзолаб, ушбу маблағларни тижорат банкларининг тегишли ҳисобварағига ўтказиб беради.

15. Бош битимга мувофиқ Жамғарма маблағларни тижорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасидан тўрт фоиз бандга паст ставкада жойлаштиради.

Бунда, Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда Молия вазирлиги ва тижорат банклари ўртасида тузилган таълим кредити учун маблағларни ажратиш тўғрисидаги депозит шартномасига фоиз ставкани тегишли давр учун мос равишдаги фоиз бандга тушириш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Марказий банкнинг асосий ставкаси кўтарилган тақдирда, таълим кредити учун маблағларни ажратиш бўйича фоиз ставка ўзгаришсиз қолдирилади.

16. Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига жойлаштирилган таълим кредити учун маблағларни қайтариш ва улар бўйича фоизларни тўлаш тижорат банклари ва Молия вазирлиги ўртасида тузилган депозит шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

17. Таълим кредитлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган кредит тавakkалчиликларини ўзаро тақсимлаш мақсадида Молия вазирлиги томонидан Бош битимга мувофиқ тижорат банкларига жойлаштирилган маблағларининг

50 фоизини Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига гаров депозити сифатида қўйиш бўйича тижорат банки ва Молия вазирлиги ўртасида гаров шартномаси (кейинги ўринларда — гаров шартномаси) тузилади.

3-боб. Таълим кредитини расмийлаштириш ва ажратиш тартиби

18. Кредит олувчи таълим кредитини олиш учун Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган тижорат банкларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити олиш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим ташкилоти ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт) ва унга илова қилинадиган ҳисоб варақаси/фактураси (мавжуд бўлганда). Шартнома (контракт)да ўқишни тамомлашнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим;

в) банкнинг кредит сиёсати ва ички тартибига мувофиқ таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат. Бунда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га кирган оилаларнинг фарзандларига ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва кафиллик талаб этилмайди;

г) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома («Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар фарзандлари учун);

д) банкнинг ички ҳужжатларида (сиёсатида) белгиланган бошқа ҳужжатлар, шу жумладан, биргаликда кредит олувчига тегишли маълумот ва ҳужжатлар.

19. Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи) юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан бир вақтда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, жумладан фуқаролик паспортини ёки шахснинг идентификация ID-картасини шахсан кўрсатади. Банк тақдим этилган ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

20. Тижорат банклари кредит олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган барча ҳужжатларни беш иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва таълим кредити шартномасини имзолаши ёки кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ҳолда жавоб хати бериши лозим.

21. Таълим кредити шартномаси кредит олувчи томонидан тақдим этилган талаба ва олий таълим ташкилоти ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартнома (контракт)да кўрсатилган бир йиллик тўлов суммасига тенг миқдордаги суммага тузилади.

Бунда, кейинги ўқув йили учун тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартномада белгиланган тўлов миқдори ва таълим кредити олиш тўғрисидаги аризадан келиб чиқиб, кредит миқдори таълим кредити шартномасига қўшимча келишув имзолаш орқали ошириб борилади.

22. Таълим кредити тижорат банклари томонидан кредит олувчига Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида ажратилади.

Бунда, Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасаяди, Марказий банкнинг асосий ставкаси оширилган тақдирда эса таълим кредити бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошида келтирилган шартлар тижорат банки ва кредит олувчи ўртасида тузиладиган таълим кредити шартномасида акс эттирилиши лозим.

23. Тижорат банклари томонидан таълим кредити кредит олувчининг ссуда ҳисобварағидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида кредит олувчи ва олий таълим ташкилоти ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт) ёки ҳисоб варақаси/фактурасида кўрсатиб ўтилган ҳисобварағига маблағ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

24. Таълим кредитлари бўйича маблағлар олий таълим ташкилотлари-га тижорат банклари томонидан таълим кредити шартномасида кўрсатилган шартларда ўқув йили мобайнида ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини белгиланган тартибда, тенг улушларда тўрт қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади.

Бунда:

кредит олувчининг ёзма топшириғи ва олий таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган мос давр учун тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида шартномада (контракт) белгиланган тўлов миқдорининг камида 25 фоизи талабалikka тавсия этилган абитуриентлар учун ҳар йили 15 сентябргача ёки Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатгача ҳамда иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалари учун — ҳар йили 1 октябргача, белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи — ҳар йили 1 январгача, 75 фоизи — ҳар йили 1 апрелгача ва 100 фоизи — ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда ўтказиб берилади;

кредит олувчи тегишли тўловни амалга ошириш учун тижорат банкига мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган мос саналарга қадар муурожаат қилиши лозим.

Давлат комиссияси томонидан олий таълим ташкилотларининг қабул параметрлари ўзгартирилиши муносабати билан ва бошқа сабабларга кўра таълим кредити олиш тўғрисидаги аризани белгиланган муддатлардан кейин топширган кредит олувчиларнинг тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартномаси (контракти) бўйича мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган муддатлардан кейин ҳам таълим кредити ҳисобидан тўловлар ўтказилиши мумкин.

Тижорат банклари кредит олувчининг ёзма аризасига асосан тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартномасида (контрактида) назарда тутилган ҳолларда ўқишнинг ярим йил ёки тўлиқ бир йил учун тўлов суммасини бирйўла амалга ошириши мумкин.

25. Тижорат банклари Молия вазирлигидан жалб қилинган, бироқ

кредит олувчи томонидан таълим кредитининг ўзлаштирилмаган қисми миқдордаги маблағларни 24-банднинг иккинчи хатбошисида келтирилган мос муддатлардан сўнг уч иш куни мобайнида Молия вазирлигига қайтаради.

26. Кредит олувчининг тижорат банкидан олган таълим кредити бўйича муддати ўтган фоиз қарздорлиги мавжуд бўлса ёки мунтазам равишда тўлов муддатини ўтказиб келган бўлса, тижорат банки таълим кредити шартномасида белгиланган тартибда кредит олувчига тўлов-контрактнинг навбатдаги қисми бўйича ёки кейинги йиллар учун таълим кредитини ажратишни рад этиши мумкин.

4-боб. Кредитни қайтариш ва кредит мониторингини амалга ошириш тартиби

27. Асосий қарз ва фоиз тўловлари кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи) томонидан таълим кредити шартномасида кўрсатилган шартларда тўланади.

28. Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи) таълим кредитини таълим кредити шартномасида белгиланган муддатлардан олдин қайтаришга ҳақлидир.

29. Кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи) таълим кредити бўйича фоиз тўловлари ва асосий қарзни таълим кредити шартномасида белгиланган муддатларда қайтармаса, тижорат банки таълим кредити бўйича муддати ўтган қарздорликларни ўзининг ички ҳужжатларига асосан қайтариш чораларини кўради.

30. Таълим кредитининг асосий қарзи ва (ёки) фоизи бўйича 180 кундан ортиқ муддати ўтган қарздорлик юзага келганда банк гаров шартномасига мувофиқ ўзининг Молия вазирлиги олдидаги мажбуриятларини таълим кредитининг асосий қарзи қолдигининг 50 фоизи миқдорига камайтириш юзасидан тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади ва бу ҳақда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15-санасига қадар Молия вазирлигини хабардор қилади.

31. Тижорат банкининг Молия вазирлиги олдида ўз мажбуриятини мазкур Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳолатларда камайтириши кредит олувчи (биргаликда кредит олувчи)нинг банкка таълим кредити бўйича фоиз ва асосий қарзни тўлиқ тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

32. Агар таълим кредити тижорат банкининг Молия вазирлиги олдидаги мажбурияти камайтирилгандан сўнг тўлиқ ёки қисман қайтарилса, тижорат банки қайтарилган маблағнинг 50 фоизига тенг миқдорда ўзининг Молия вазирлиги олдидаги мажбуриятини оширади ва қайтган маблағдан ушбу мажбуриятни сўндиради.

Тижорат банки қайтарилган маблағнинг қолган қисмини кредит олувчининг тижорат банки олдидаги қарздорлигини сўндиришга йўналтиради.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

33. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

34. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 18 августдаги 527-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асо-
сида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида» 2001 йил 26 июлдаги
318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 43-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2007 йил 1 март-
даги 43-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 13-мод-
да) илованинг 6-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъ-
зиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2007 йил 8 майда-
ги 95-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 25-мод-
да) 2-илованинг 9-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъ-
зиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2010 йил 24 март-
даги 52-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 3-сон, 12-мод-
да) 1-илованинг 22-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2013 йил
11 декабрдаги 327-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й.,
12-сон, 92-модда) илованинг 2-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини туб-
дан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрда-
ги 789-сон қарорига илованинг 1-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 11 мартдаги 132-сон
қарорига 3-илованинг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**493 Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида***

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, бизнесни қонуний, шаффоф ва қулай юритиш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ сирини ташкил этмайдиган маълумотларни рақамли технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда монеликсиз олиш механизмларини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

давлат-хусусий шериклик асосида Интернет жаҳон ахборот тармоғида реал вақт режимида ишловчи «Ишончли ҳамкор» автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда — «Ишончли ҳамкор» ААТ) ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш;

«Ишончли ҳамкор» ААТ орқали солиқ тўловчилар тўғрисидаги солиқ сирини ташкил этмайдиган маълумотлар ва ҳисоб маълумотлар, ҳисобварақ-фактуралар ва чекларда кўрсатилган маҳсулотларнинг (товар ва хизматларнинг) ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация кодларини, шунингдек, мажбурий маркировкаланган маҳсулотлар бўйича таҳлилий ва қайта ишланган маълумотларни (кейинги ўринларда — жамланган маълумотларни) юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда — учинчи шахсларга) тақдим этиш.

2. «Ишончли ҳамкор» ААТини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда қуйидагилар тавсия этилсин:

учинчи шахсларнинг сўровларига асосан «Ишончли ҳамкор» ААТда мавжуд бўлган жамланган маълумотларни тақдим этиш ҳамда уларга «Солиқ тўловчи» ва «Маҳсулот ва хизматлар» профилларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

молиявий ҳисоботларида акс эттирилган маълумотлар асосида тадбиркорлик субъектларининг молиявий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва тақдим этиш ҳамда банк ҳисобварағи ҳолати (очиқ/ёпиқ) бўйича маълумотларни тақдим этиш;

иктисодиёт тармоқлари бўйича умумлаштирилган (йиғма) таҳлилий кўрсаткичларни ва солиқ юкини ҳисоблаш ва тақдим этиш;

солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳолати ва ҳисоб маълумотларини таҳлил қилиш асосида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш (скоринг) тизимини жорий қилиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 августда эълон қилинган.

солиқ тўловчиларнинг розилиги билан улар тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга, шу жумладан, тижорат банкларига тақдим этишнинг техник имкониятини яратиш ва солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотларни уларнинг розилиги билан тақдим этиш;

маҳсулотларнинг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмлари, шу жумладан, импорт қилинадиган товарлар бўйича асосий ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар, истеъмолнинг географик харитаси, шунингдек, бозор конъюнктураси ва хизматларнинг ривожланиш ҳолати тўғрисидаги тахлилий маълумотларни шакллантириш;

аффилланган шахслар ўртасидаги алоқаларни ҳамда солиқ хавфи даражаси мезонларининг махфий ахборот сифатида қайд этилмаган мезонлари асосида солиқ тўловчиларнинг солиқ хавфи даражасини аниқлаш ва тақдим этиш;

матрицали штрих кодни (QR-код) сканерлаш орқали савдо чекларини рўйхатдан ўтказган харидорлар тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилиги асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга тақдим этишнинг техник имкониятини яратиш;

«Ишончли ҳамкор» ААТда мавжуд бўлган жамланган маълумотларни ўз ичига олган матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлган маълумотнома тақдим этиш.

Бунда «Ишончли ҳамкор» ААТ орқали юклаб олинган маълумотнома шу куни ҳаққоний ҳисобланади ва онлайн репозиторийда сақланади.

3. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси «Ишончли ҳамкор» ААТни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва унинг фаолиятини юритиш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда давлат шериги ҳисобланади ва лойиҳани амалга ошириш мақсадида хусусий шерикни тўғридан-тўғри музокаралар асосида танлаб олади;

б) хусусий шерикни тўғридан-тўғри музокаралар асосида танлаб олиш ҳақидаги эълон оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий веб-сайтларида кенг ёритиб борилади;

в) «Ишончли ҳамкор» ААТ «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилади;

г) «Ишончли ҳамкор» ААТни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва унинг фаолиятини юритиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим томонларнинг келишуви асосида ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқиш шarti билан тузилади;

хусусий шерик «Ишончли ҳамкор» ААТнинг оператори (кейинги ўринларда — оператор) этиб белгиланади;

оператор «Ишончли ҳамкор» ААТда мавжуд бўлган тахлилий ва қайта ишланган маълумотларни учинчи шахсларга шартнома ёки оммавий оферта асосида тақдим этади;

маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш хизматларини кўрсатишдан олинadиган даромadлар давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида келишув асосида тақсимланади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси консалтинг ташкилотларни жалб қилади ва ушбу мақсадлар учун сарфланадиган (молиялаштириладиган) харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий химоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

д) оператор қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

2022 йил 1 мартга қадар ўз маблағлари ҳисобидан «Ишончли ҳамкор» ААТни ишлаб чиқиб жорий этади ва кейинчалик унинг фаолиятини юрилади ҳамда «Ишончли ҳамкор» ААТни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг серверларига жойлаштиради;

ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасига электрон сўровни амалга ошириш орқали маълумотларни таҳлил қилиб ва қайта ишланган ҳолда учинчи шахсларга тақдим этади;

давлат шериги билан келишилган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотларига «Ишончли ҳамкор» ААТ орқали маълумотлардан бегараз фойдаланиш имкониятини яратади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

«Ишончли ҳамкор» ААТ амалиётга жорий қилингандан сўнг солиқ тўловчиларга ўзларининг шахсий кабинетини орқали «Ишончли ҳамкор» ААТга кириш имкониятини яратсин;

«Ишончли ҳамкор» ААТни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва унинг фаолиятини юритиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузишга тайёргарлик кўриш мақсадида уч ой муддатда концепция ва лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида тадбиркорлик субъектларига ўз контрагентлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 29-моддаси талабларига мувофиқ солиқ сирини ташкил этмайдиган ва солиқ тўловчининг розилигисиз тақдим этиладиган маълумотларни солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами асосида олиш имконини берувчи ахборот платформасини яратсин;

Молия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 15 январга қадар каталогнинг идентификация кодларини Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарларнинг (хизматларнинг) ягона миллий классификатори билан мувофиқлаштириш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда солиқ сирини тоифаларига кирмайдиган солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари рўйхатини доимий кенгайтириш ишларини ташкил этсин.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмаларига давлат харидларини амалга оширишда ҳамкорларни танлаш, субсидиялар ажратиш, хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар тузишда эҳтиёт чораларини кўриш мақсадида ушбу корхоналар бўйича «Ишончли ҳамкор» ААТ орқали тадбиркорлик субъектларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш (скоринг) натижаларини таҳлил қилиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси уч ой муддатда давлат органлари томонидан ўзларининг маълумотлар базаларида мавжуд бўлган маълумотларни пулли асосда учинчи шахсларга тақдим этиш тартибини жорий этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 август,
529-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**494 Божхона назорати остидаги товарларга нисбатан юк операцияларини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2020 йил 5 июндаги ПФ-6005-сон Фармони ижроси юзасидан, шунингдек, божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш, божхона юк операцияларини амалга оширишни самарали тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Божхона назорати остидаги товарларга нисбатан юк операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

божхона назорати остида етказилган товарлар бўйича юк операцияларини амалга ошириш тартиби;

божхона назорати остидаги товарлар бўйича амалга ошириладиган юк операцияларини назорат қилиш;

божхона омборларида товарлар ҳаракати тизими;

божхона омборида юк операцияларини амалга оширишда божхона омбори эгасининг ҳамда унинг ваколатли шахсининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2. Белгилансинки:

а) қуйидаги товарларга нисбатан божхона омбори ҳудудида ўтказиладиган юк операцияларида божхона органи мансабдор шахси иштирок этиши шарт:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ божхона ҳудудига олиб кирилиши ва божхона ҳудудидан олиб чиқилиши (муомаласи, фойдаланилиши ва тасарруф этилиши) тақиқланган ёхуд чекланган товарлар;

божхона омбори ҳисобланмайдиган жойга божхона омбори божхона режимида жойлаштирилиши кўзда тутилган товарлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида бериладиган лицензиялар ва рухсатномалар бўйича экспорт-импорт қилинадиган махсус товарлар;

транзит тарзда олиб ўтиладиган товарлар;

ҳарбий юклар, шу жумладан, қурол-яроғ, ҳарбий техника ва ўқ-дорилар, радиоактив материаллар;

инсонпарварлик ёрдами, техник кўмак сифатида ва грантлар ҳисобидан олиб кириладиган товарлар;

олиб кириладиган Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси, валюта қимматликлари;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 августда эълон қилинган.

ҳар қандай ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган буюмлар (хом (табiiй) ва ишлов берилган шаклда, аффинланган, хом ашёлар, эритмалар, ярим тайёр маҳсулотлар, саноат маҳсулотлари, кимёвий бирикмалар, ломлар ва ишлаб чиқаришдан қолган чиқинди шаклида); маданий бойликлар;

б) божхона омбори ҳудудида ўтказиладиган юк операциялари лицензия талаблари ва шартлари асосида жиҳозланган видеокузатув тизими назорати остида божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахсининг бевосита иштирокида амалга оширилади;

в) божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси божхона назорати остидаги товарлар ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан амалга ошириладиган юк операцияларида аниқлаган ҳар қандай тафовутлар ва номувофиқликлар тўғрисида божхона органини хабардор қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

а) божхона назорати остидаги товарларга нисбатан юк операциялари номувофиқ автоматлаштирилган ахборот тизимларида электрон бошқаришни жорий этиш ва ишга тушириш бўйича буюртмачи, шунингдек, кейинчалик ўз маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватловчи этиб белгилансин;

б) икки ой муддатда божхона назорати остидаги товарларга нисбатан юк ва бошқа операцияларни электрон бошқаришни жорий этиш бўйича техник ҳужжатни ишлаб чиқиб, ваколатли давлат органларида экспертизадан ўтказсин ҳамда қарор кучга киргунига қадар унинг ишга туширилишини таъминласин;

в) божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялашда уларга жойлаштирилиши мумкин бўлган товарлар ҳажмидан келиб чиқиб, божхона тўловларини таъминлаш миқдорларини ошириш бўйича асослантилган таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 август,
531-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 августдаги 531-сон қарорига
1-ИЛОВА

Божхона назорати остидаги товарларга нисбатан юк операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом божхона назорати остидаги товарларга нисбатан юк операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот тизими — божхона назорати остидаги товарлар бўйича амалга ошириладиган маълум юк операцияларини қайд этиш, кузатиш, қайта ишлаш, электрон ҳисобини юритишга мўлжалланган божхона органларининг автоматлаштирилган ахборот тизими;

божхона назорати зонаси — Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига (кейинги ўринларда — Божхона кодекси) мувофиқ божхона ҳудудининг божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида ташкил қилинадиган, махсус ажратиб ва белгилаб қўйилган қисми;

божхона омбори ҳудуди — божхона омбори ўрни ва унга бевосита туташ бўлган, лицензия талаблари ва шартларига кўра махсус ажратилган ҳамда белгилаб қўйилган божхона назорати зонаси ҳисобланадиган юк операциялари амалга ошириладиган ҳудуд;

божхона омборининг ваколатли шахси — меҳнат шартномаси асосида божхона омбори (юридик шахс) манфаатларидан келиб чиқиб, унинг номидан ҳаракат қилувчи шахс;

ваколатли шахс — товар ва (ёки) транспорт воситаси эгаси ёки товарга ва (ёки) транспорт воситасига нисбатан божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёхуд товар ва (ёки) транспорт воситаси эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш кўрувчи шахс;

қайта юклаш операцияси — божхона назорати остидаги товарларни бир транспорт воситасидан бошқа транспорт воситасига ёки ушбу транспорт воситасига қайта юклаш (транспорт воситаси юк хонасини очмасдан қайта юклаш бундан мустасно);

товарлар бўйича амалга ошириладиган бошқа операциялар — Божхона кодексига мувофиқ ташувчи, ваколатли шахс ва божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан божхона назорати остидаги товарлар ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан амалга ошириладиган операциялар, божхона органлари мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган божхона операциялари бундан мустасно;

товарлар ҳаракати тизими — божхона омборларида божхона на-

зорати остидаги товарларнинг муайян мақомга эга бўлган ҳолати ва ҳаракати кетма-кетлиги;

товарни етказиб беришнинг назорат ҳужжати — божхона ҳудуди бўйлаб божхона назорати остида ташиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, товар келиб тушадиган божхона органигача етказиб берилганлиги назоратини божхона органлари томонидан амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжат;

товарни чиқариб юбориш — божхона расмийлаштирувини яқунловчи ва маълум қилинган божхона режими шартларидан келиб чиқиб товарлардан фойдаланишга ва (ёки) уларни тасарруф этишга рухсат берилганлигини ифодаловчи божхона органларининг ҳаракати;

тушириш операцияси — божхона назорати остидаги товарларни қўйилган божхона идентификация воситаларини олиб ташлаган ҳолда транспорт воситасидан тушириш (қайта юклаш мақсадида транспорт воситаси юк хонасини очмасдан тушириш бундан мустасно);

юк операциялари — божхона назорати остида турган товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини ташиш, юклаш, тушириш, қайта юклаш, уларнинг бузилган ўровларини тўғрилаш, уларни ўраш, қайта ўраш ва ташиш учун қабул қилиш.

3. Қўйидаги товарлардан ташқари бошқа товарларга нисбатан божхона омбори ҳудудида ўтказиладиган юк операцияларини божхона органи мансабдор шахсининг иштирокисиз амалга оширишга рухсат берилади:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ божхона ҳудудига олиб кирилиши ва божхона ҳудудидан олиб чиқилиши (шунингдек, муомаласи, фойдаланилиши ва тасарруф этилиши) тақиқланган ёхуд чекланган товарлар;

божхона омбори ҳисобланмайдиган жойга божхона омбори божхона режимда жойлаштирилиши назарда тутилган товарлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида бериладиган лицензиялар ва рухсатномалар бўйича экспорт-импорт қилинадиган махсус товарлар;

транзит тарзда олиб ўтиладиган товарлар;

ҳарбий юклар, шу жумладан, қурол-яроғ, ҳарбий техника ва ўқ-дори-лар, радиоактив материаллар;

инсонпарварлик ёрдами, техник кўмак сифатида ва грантлар ҳисобидан олиб кириладиган товарлар;

олиб кириладиган Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси, валюта қимматликлари;

ҳар қандай ҳолатдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган буюмлар (хом (табиий) ва ишлов берилган шаклда, аффинланган хом ашёлар, эритмалар, ярим тайёр маҳсулотлар, саноат маҳсулотлари, кимёвий бирикмалар, ломлар ва ишлаб чиқаришдан қолган чиқинди шаклида);

маданий бойликлар.

4. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган божхона назорати остидаги товарлар ортилган транспорт воситалари божхона омбори ҳудудига етказилади.

Транспорт турига қараб, бевосита божхона омборига етказиб бериш имкони бўлмаганда, товарлар автотранспорт воситаларига қайта юкланган ҳолда божхона омбори ҳудудига етказилади.

Божхона назорати зонасига етказилиб йигирма тўрт соат ичида чиқариб юборилган, шунингдек, божхона омбори ҳисобланмайдиган жойда турган ҳолда божхона омбори божхона режимига жойлаштиришга рухсат берилган товарларни божхона омбори ҳудудига етказиш талаб этилмайди.

5. Божхона режимига жойлаштирилмаган божхона назорати остидаги товарларнинг юк операцияларини амалга ошириб қабул қилинган ҳолатида тўлиқ сақланишини таъминлаш учун қуйидагилар жавобгар ҳисобланади:

божхона назорати остида ташиладиган товарлар божхона омбори эгаси ёки ваколатли шахс томонидан қабул қилиб олингунга қадар — ташувчи;

божхона назорати остида ташиладиган товарлар туширилиб, бошқа транспорт воситаларига қайта ортилганда — ушбу товарларни божхона назорати остида бундан буён ташиш учун қабул қилиб олган ташувчи;

товарлар божхона омбори ҳудудига қабул қилиб олинган пайдан бошлаб чиқариб юборилгунга қадар — божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси;

товарларни божхона омбори ҳисобланмайдиган жойга жойлаштиришга рухсат берилган вақтдан бошлаб чиқариб юборилгунга қадар — товарларни бундай жойларга жойлаштирган шахс;

божхона назорати остидаги товарлар ортилган транспорт воситалари божхона назорати зонасига жойлаштирилганда — божхона назорати зонасига жавобгар шахс.

6. Товарлар бўйича амалга ошириладиган юк ва бошқа операцияларда товарларнинг Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодининг ўн та белгили даражаси ўзгариши билан боғлиқ хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги лозим.

7. Агар амалга ошириладиган операциялар товарларнинг кейинги божхона назоратини амалга ошириш имкони бўлмаслигига олиб келса, божхона органи ушбу товарлар бўйича юк ва бошқа операцияларни амалга оширишни тақиқлашга ҳақли.

8. Божхона назорати остида етказилган товарлар бўйича юк операциялари ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Божхона назорати остида етказилган товарлар бўйича юк операцияларини амалга ошириш

9. Товарлар божхона омборига етказиб берилгач, божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси транспорт воситаларининг товарлар ортилган юк бўлимлари ва унга қўйилган божхона идентификация воситаларини товарларнинг кузатув ҳужжатлари ҳамда товарни етказиб бериш назорат ҳужжатида кўрсатилган маълумотлар асосида кўздан кечиради.

Кўздан кечириш божхона идентификациялаш воситалари мавжудлиги,

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уларга шикаст етказилмаганлиги, ўзгартирилмаганлиги, бузилмаганлиги ва йўқ қилинмаганлигига ҳамда ташилаётган товарларни транспорт воситаларининг пломбаланган қисмидан кўзга ташланадиган излар қолдирмасдан чиқариб олиш ва (ёки) унга бошқа товарларни жойлаш истисно этилганлигига, шунингдек, пломба қўйилган жиҳозларга (контейнер конструкцияси, тиркама троси, тенти, том, пол қисмлари ва бошқалар) зарар етказилмаганлигига алоҳида аҳамият берган ҳолда амалга оширилади.

10. Божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси транспорт воситалари божхона омборига етиб келганлигини ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳаракатларни бажарган ҳолда ахборот тизимида белги қўйиш орқали тасдиқлайди.

11. Божхона омборига етиб келганлигини тасдиқлаш учун автомобиль ва темир йўл транспорти воситаси божхона органларига онлайн узатиш имконига эга бўлган, автотранспорт воситасининг давлат рақами белгисини ва темир йўл транспорти воситасининг рақамини аниқлаш бўйича куну тун ишлайдиган тизим билан жиҳозланган назорат-ўтказиш пунктидан ўтади.

Автотранспорт воситасининг давлат рақами белгисини ва темир йўл транспорти воситасининг рақамини аниқлаш тизимидаги рақам билан товарни етказиб беришнинг назорат ҳужжатидаги рақам айнан мос бўлиши ҳамда етиб келганлиги тасдиқланиши автотранспорт воситаси давлат рақами белгиси ва темир йўл транспорти воситаси рақами қайд этилгандан ўттиз дақиқа ичида амалга оширилиши лозим.

Бунда фақат ахборот тизимидаги узилишлар (электр манбаи сабабли узилишлар бундан мустасно) ҳамда Божхона кодексига мувофиқ енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида транспорт воситаларининг етиб келганлигини тасдиқлаш имкони бўлмаганда, божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси дарҳол божхона органини ўз ваколатлари доирасида қарор қабул қилиши учун хабардор қилади.

12. Ахборот тизимида транспорт воситаларининг божхона омборига етиб келганлиги тасдиқланиши билан товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш бўйича жавобгарлик божхона омбори эгасига ўтади.

13. Божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси ушбу Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда транспорт воситалари ва уларга қўйилган божхона идентификациялаш воситаларини кўздан кечириши натижасида аниқлаган ҳар қандай тафовутлар ва номувофиқликлар тўғрисида дарҳол божхона органини хабардор қилади.

Тегишли хабарга асосан божхона органлари товарлар ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан Божхона кодексининг 188-моддасига мувофиқ божхона назорати шакллари амалга оширади.

Божхона назорати якуни бўйича божхонага оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, божхона органи товарлар ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан юк ва бошқа операцияларни амалга оширишни тўхтатиб туради, ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритади ҳамда терговга қадар текширув ўтказиб, маъмурий иш ёки жиноят ишини кўзгатади.

Бунда товарлар ва транспорт воситалари етказиб берилганлигини тасдиқлаш божхона органи қарорига кўра амалга оширилади.

14. Божхона пости томонидан товарни етказиб беришнинг назорат ҳужжати назоратдан ечилгунга қадар ташувчи ёки ваколатли шахс божхона омборига етиб келганлиги тасдиқланган транспорт воситасини бошқа божхона омборига жойлаштириши мумкин.

15. Ахборот тизимида ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган тартибда транспорт воситаларининг божхона омборидан чиқарилганлиги тасдиқланиши билан товарлар тўлиқ сақланишини таъминлаш бўйича жавобгарлик ташувчига қайтади.

16. Транспорт воситалари етиб келганлиги тасдиқланган божхона омборидан товарларни бошқа божхона омборига жойлаштириш учун олиб чиқиш, ушбу Низомнинг 9 — 15-бандларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

17. Товарларни етказиб беришнинг назорат ҳужжати транспорт воситалари етиб келганлиги тасдиқлангандан сўнг бир соат ичида, агар транспорт воситалари божхона органи иш вақтидан ташқари пайтда етиб келса, иш вақти бошлангандан сўнг бир соат ичида божхона омбори бириктирилган божхона пости томонидан назоратдан ечилади.

Божхона постларига бириктирилган божхона омборлари рўйхати барча кўриши учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида божхона омборлари реестрида реал вақт режимида акс этади.

18. Товарларни етказиб беришнинг назорат ҳужжати назоратдан ечилгандан сўнг ҳамда шу вақт ичида товарлар бўйича амалга ошириладиган божхона органининг божхона назорати тўғрисидаги муносабати келиб тушмаганда, божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда товарлар бўйича юк операцияларини амалга ошириш мумкин.

Етиб келганлиги тасдиқланган товарлар бўйича товарни етказиб бериш назорат ҳужжати назоратдан ечилгунга қадар божхона органининг божхона назорати шаклини қўллаш ва (ёки) амалга оширилиши мумкин бўлган юк операциялари тўғрисидаги муносабати божхона омборига қайта алоқа орқали божхона органининг мансабдор шахси томонидан ёзма ёки хавфни бошқариш тизими орқали автоматик тарзда юборилади.

19. Божхона омбори ҳудудида амалга ошириладиган юк операцияларида божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси бевосита иштирок этиши шарт.

Юк операцияларида товарларга нисбатан божхона кўригида назарда тутилган амалларни бажаришга йўл қўйилмайди, қўйилган пломбаларни бузиш (узиш, олиб ташлаш) бундан мустасно.

20. Юк операцияларини амалга ошириш учун қўйилган божхона идентификациялаш воситалари божхона органи мансабдор шахси томонидан товар ва транспорт воситалари етиб келганлиги тасдиқланган божхона омбори ҳудудида ўзгартирилади, алмаштирилади, олиб ташланади ёки йўқ қилинади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Божхона идентификациялаш воситалари ўзгартирилиши, алмаштирилиши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши божхона органи мансабдор шах-

сига транспорт воситаларига юкланган товарларга нисбатан божхона кўригида назарда тутилган амалларни бажариш бўйича мажбурият юкламайди.

21. Божхона омбори ҳудудида божхона назорати остидаги товарлар бўйича юк ва бошқа операциялар ҳамда божхона кўздан кечируви (шунингдек, декларант кўздан кечируви) ва кўриги лицензия талаблари ва шартлари асосида жиҳозланган видеокузатув тизими назорати остида амалга оширилади.

Божхона омборларида божхона назорати остидаги товарлар билан амалга ошириладиган операциялар ҳамда назорат шакллари бўйича товарлар ҳаракати тизими жорий қилинади.

22. Божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси товарлар бўйича юк ва бошқа операцияларни амалга ошириш вақтида товарларнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга номувофиқлиги аниқланганда, бу ҳақда дарҳол божхона органини хабардор қилади.

Тегишли хабарга асосан божхона органилари товарлар ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан Божхона кодексининг 188-моддасига мувофиқ божхона назорати шакллари амалга оширади.

Божхонага оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, божхона органи товарлар ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан юк ва бошқа операцияларни тўхтатиб туради, ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритади ҳамда терговга қадар текширув ўтказиб, маъмурий иш ёки жиноят ишини қўзғатади.

23. Товарни етказиб беришнинг назорат ҳужжати назоратдан ечилган ва юк операциялари амалга оширилган товарларни бир божхона омборидан бошқасига олиб ўтиш Божхона кодексининг 31-боби талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда етказиб берилган товарлар ва транспорт воситаларига расмийлаштирилган товарларни етказиб беришнинг назорат ҳужжати товарлар олиб ўтиладиган божхона омбори кўрсатилган ҳолда қайта назоратга қўйилади.

Товарларни етказиб беришнинг назорат ҳужжати қайта назоратга қўйилиши товарлар учун божхона декларациясини бериш муддатига таъсир этмайди.

24. Кейинги ташувларни амалга ошириш учун муайян транспорт воситалари жойлашган жойга божхона назорати остида етказилган товарлар бошқа транспорт воситаларига қайта юкланиши мумкин.

25. Юк операциялари ушбу Низомнинг 20-бандида белгиланган тартибда божхона идентификациялаш воситаси олиб ташлангандан кейин дарҳол бошланиши ва вақт бўйича узлуксиз амалга оширилган ҳолда тугалланиши лозим.

26. Ушбу Низомда назарда тутилган товарларни юклаш, тушириш ва қайта юклаш операциялари бўйича, мазкур жараёнда иштирокчилар томонидан тузиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланадиган шаклдаги Товарни юклаш, тушириш ва қайта юклаш бўйича электрон далолатнома (кейинги ўринларда — далолатнома) расмийлаштирилади.

27. Далолатнома товарларни тушириш, қайта юклаш операцияси божхона органи мансабдор шахси иштирокида амалга оширилганда божхона органи мансабдор шахси томонидан, қолган ҳолатларда эса божхона омбо-

ри эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан электрон рақамли имзо орқали расмийлаштирилади.

Далолатнома нусхаси иштирок этувчиларнинг талабига асосан чоп этилиб, уни расмийлаштирган шахс томонидан имзоланган ҳамда муҳр билан тасдиқланган ҳолда берилади.

28. Товар ва (ёки) транспорт воситаларини Божхона кодексининг 93-моддасига мувофиқ фақат божхона омбори божхона режимида божхона омбори ҳисобланмайдиган жойга жойлаштиришга рухсат берилади.

29. Божхона омбори ҳудудига етказилган товарлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, физик кўрсаткичлари туфайли ёки кимёвий хоссаларига кўра ёхуд сақланишига доир алоҳида шартлар қўйилиши туфайли божхона омборига жойлаштирилиши мумкин бўлмаган товарларни божхона органининг рухсати билан божхона омбори ҳисобланмайдиган жойларда сақлаш учун қуйидаги шартлар бажарилиши талаб этилади:

товарлар божхона омбори ҳудудига етказилган бўлиши;

божхона омбори божхона режимига божхона юк декларацияси тақдим этилиши;

товарларни сақлаш учун мўлжалланган жой (жойлашган ери, почта манзили, агар юридик шахс бўлса унинг тўлиқ номи билан) ва сақлаш учун жавобгар шахс тўғрисидаги маълумотлар (Ф.И.О., яшаш жойи, телефон рақами) акс этирилган ваколатли шахснинг божхона юк декларациясига илова қилинган аризаси;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ истисно этиб белгиланган ҳоллардан ташқари товарлар учун божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

30. Ўзининг ташқи ўлчамлари билан божхона омборига жойлаштириш имкони бўлмаган, авариялар ёки енгиб бўлмас куч таъсири оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган (тақдим этилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим), шунингдек, тирик ҳайвонлар ва радиоактив материаллар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда товарлар божхона органининг рухсати билан божхона омбори ҳисобланмайдиган жойда (божхона омбори мақомига эга бўлмаган бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларда) турган ҳолда божхона омбори божхона режимига жойлаштирилиши мумкин.

Бунда товарларнинг божхона омбори ҳудудига етказилиши ва товарга нисбатан божхона юк декларацияси тақдим этилиши талаб этилмаган ҳолда, ваколатли шахснинг товарлар учун божхона тўловлари тўланиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ва ушбу Низомнинг 29-бандида кўрсатилган тартибдаги электрон аризаси транспорт воситасининг божхона омборига етиб келганлиги ахборот тизимида белги қўйиш орқали тасдиқлангунга қадар интерактив хизмат орқали божхона органига тақдим этилади.

31. Божхона омбори ҳудудига етказилган товарларни божхона органининг рухсати билан божхона омбори ҳисобланмайдиган жойлар (божхона омбори мақомига эга бўлмаган бинолар ва (ёки) очиқ майдончалар)да сақлаш ҳамда бундай жойларда турган ҳолда товарларни божхона омбори

божхона режимига жойлаштириш учун божхона тўловлари тўланишини таъминлаш чет эл товарлари «эркин муомалага чиқариш» божхона режимига расмийлаштирилганда тўланиши лозим бўлган фоиз ва миқдорларда, преференциялар ҳамда имтиёзлар инobatга олинмаган ҳолда ҳисобланган миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

32. Ушбу Низомнинг 4-банди учинчи хатбошиси ва 30-бандига мувофиқ товарлар бевосита божхона омбори ҳудудига етказиб берилмаганда, товарларнинг етказиб берилганлиги ва товарни етказиб бериш назорат ҳужжатининг назоратдан ечилиши Божхона кодексининг 31-боби талабларига мувофиқ божхона органлари томонидан амалга оширилади.

33. Товарлар бўйича ва (ёки) транспорт воситалари ёрдамида амалга ошириладиган юк операциялари ҳамда бошқа операциялар божхона органи учун бирор-бир қўшимча харажатлар келтириб чиқармаслиги керак.

3-боб. Божхона назорати остидаги товарлар бўйича амалга ошириладиган юк операциялари назорати

34. Божхона органлари божхона назорати остидаги товарлар ва улар бўйича амалга ошириладиган юк ва бошқа операцияларга нисбатан Божхона кодекси ва ушбу Низомга мувофиқ белгиланган тартибда кузатув ва назоратни таъминлайди.

35. Товарлар тўғридан-тўғри чиқариб юборилиши маълум қилинганда, қўлланиладиган божхона назорати шаклларидан келиб чиққан ҳолда, товарлар транспорт воситаларидан туширилмаган ҳолда божхона омбори ҳудудида туриши мумкин.

36. Етарли асослар (жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари, божхона соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузишга доир ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар), шунингдек, хавфни бошқариш тизимида назорат чораси мавжуд бўлса, божхона назорати остида турган товарларга нисбатан ўтказиладиган юк ва бошқа операциялар бевосита божхона органи мансабдор шахси иштирокида амалга оширилади.

37. Божхона омборига жойлаштирилган товарлар божхона расмийлаштируви якунланган (божхона режими шартларидан келиб чиққан ҳолда, товарлардан фойдаланишга ва (ёки) уларни тасарруф этишга рухсат берилган) кундан эътиборан уч иш куни ичида божхона омборидан олиб чиқиши лозим.

Товарларни божхона омборидан чиқарилганлиги божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан ахборот тизими орқали тасдиқланади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг божхона органлари товарлар ва (ёки) транспорт воситаларига нисбатан Божхона кодексининг 28-бобига мувофиқ белгиланган тартибда божхона назорати шаклларини амалга оширади. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритиб, маъмурий иш қўзғатади.

4-боб. Божхона омборларида товарлар ҳаракати тизими

38. Божхона омборларида:

товарлар ҳаракати бўйича барча жараёнларни вақт кўрсаткичлари асосида назорат қилиш (қанча миқдордаги товарлар қандай мақомга эга);

божхона омбори томонидан назоратнинг барча босқичларида реал вақт режимида омборларга товарларнинг кирими ва чиқимини юритиш;

товарлар ҳаракати ҳисобининг назорати йўқолишининг олдини олиш;

маълумотлар базаси билан фақат жараён учун бевосита масъул бўлганлар ишлаши ва товарларнинг мақомига ўзгартириш киритиши;

товарлар мақомининг доимий жараёни кузатиб бориладиган товарлар ҳаракати тизими жорий қилинади.

39. Товарлар ҳаракати тизими юритилиши учун божхона органлари божхона омборларига ахборот тизими маълумотларидан фойдаланиш бўйича имкониятлар яратиб беради.

40. Божхона омборларида товарлар ҳаракати тизими ушбу Низомга 2-иловада* назарда тутилган товарларнинг мақомлари орқали юритилади.

41. Товарлар ҳаракати тизимида товарларнинг ҳар бир мақоми, шунингдек, уларнинг муддатлари бўйича назоратни таъминловчи ҳисоботлар шаклланади.

42. Божхона омборида товарлар ҳаракати тизимини юритиш учун электрон маълумотлар базасига фақат божхона омбори эгаси (юридик шахс) электрон рақамли имзоси орқали ёки божхона омборининг ваколатли шахси томонидан товарлар билан боғлиқ юк ва бошқа операцияларни амалга ошириш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Бунда божхона омбори эгаси электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ваколатли шахслар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга киритади ҳамда улар томонидан маълумотлар базасига товарлар билан боғлиқ юк ва бошқа операцияларни амалга ошириш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлган ваколат муддатини кўрсатади.

43. Божхона омборларидаги товарларнинг ҳар бир мақомлари бўйича электрон маълумотлар реал вақт режимида божхона органлари маълумотлар базасида акс этади.

5-боб. Божхона омборида юк операцияларини амалга оширишда божхона омбори эгасининг ва унинг ваколатли шахсининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

44. Божхона омборида юк операцияларини амалга оширишда божхона омбори эгаси ва унинг ваколатли шахси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

божхона органининг божхона назорати тўғрисидаги муносабати келиб тушмаган тақдирда, юк операцияларини амалга ошириш;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юк операцияларини амалга оширишда товарларни ташқи томондан кўздан кечириш;

товарларни божхона ҳудудига олиб кирган транспорт воситаларидан олиб, шу ҳудуддан олиб чиқадиган транспорт воситаларига юклаш;

божхона транзити божхона режими амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш учун, шу жумладан, транзит товар ташилайётган транспорт воситалари бузилиб қолганда, божхона омбори ҳудудида товарларни тушириш ва вақтинча жойлаб қўйиш (сақлаш, туркумларга бўлиш ёки туркумларга тўплаш ва бошқа операциялар);

божхона органлари мансабдор шахсларининг қарорлари, шунингдек, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиш;

мазкур Низом талабларини бажариш натижасида келиб чиқадиган низо ва тушунмовчиликларни қонунчилиқ ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этиш чораларини кўриш.

45. Божхона омборида юк операцияларини амалга оширишда божхона омбори эгаси ва унинг ваколатли шахси:

транспорт воситалари божхона омборига етиб келганлигини ушбу Низомда белгиланган тартибда тасдиқлаши;

транспорт воситаси ва унга қўйилган божхона идентификациялаш воситаларини кўздан кечиришда, юк операцияларини амалга ошириш натижасида ҳамда кузатув ҳужжатларида аниқлаган ҳар қандай тафовутлар ва номувофиқликлар тўғрисида божхона органини хабардор қилиши;

юк операцияларини Божхона кодекси ва ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга ошириши;

юк операцияларини амалга оширишда товарлар ва транспорт воситаларини уларнинг кузатув ҳужжатлари ҳамда товарларни етказиб бериш назорат ҳужжатида кўрсатилган маълумотлар билан солиштириши;

юк ва бошқа операцияларни ҳамда божхона кўздан кечируви (шунингдек, декларант кўздан кечируви) ва кўригини божхона назорати остида товарларни ташиётган транспорт воситаларининг божхона омбори ҳудудига кириб келишидан товарлар бўйича амалга ошириладиган ҳар бир юк ва бошқа операцияларни ҳамда уларнинг божхона омборларига жойлаштирилиши ва чиқариб юборилиши бўйича кетма-кетликда олинган вақт бўйича узлуксиз видеоёзувларнинг уч ой давомида сақланишини таъминлайдиган видеокузатув тизими ёрдамида амалга ошириши;

божхона омборларида товарлар ҳаракати тизимини юритиши ҳамда маълумотларни тўғри ва ўз вақтида қайд этилиши ҳамда ҳаққонийлигини таъминлаши;

юк операцияларини амалга оширишда ҳамда товарлар ҳаракати тизимини юритишда муддатларни ҳисоблаш тартибига амал қилиши;

божхона назорати остидаги товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида ўзига маълум бўлган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги;

кабул қилиб олинган товарлар ва транспорт воситаларининг белгилан-

ган тартибда божхона омбори ҳудудда тўлиқ сақланиши тартибларига қатъий риоя этиши;

божхона омборларининг божхона назорати остида турган товарлар сақланаётган иншоотлари, бинolari (бинolarнинг қисмлари) ва (ёки) очик майдонларига (очик майдонлар қисмларига) кириши тўғрисида божхона органлари мансабдор шахсларининг талабларини бажариши;

божхона органлари талабларига мувофиқ божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши;

сақловга қабул қилиб олишда товарларга ва (ёки) транспорт воситаларига қўйилган божхона идентификациялаш воситалари ўзгартирилганлиги, бузилганлиги, йўқ қилинганлиги ёки йўқотилганлиги, идишлар ва ўровлар бузилганлиги, товарларнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ эмаслиги ҳамда божхона ишига тааллуқли бўлган бошқа шундай ҳолатлар аниқланганда, шунингдек, товарлар чиқарилгунига қадар божхона тартиб-таомиллари бузилиши ҳолатлари тўғрисида божхона органларини хабардор этиши;

божхона органини хабардор этишни ҳолат аниқланган ёки жараён юз берган вақтдан эътиборан дарҳол, бироқ ўттиз дақиқадан кечиктирмай ёхуд ҳаракатни бошлашдан ўттиз дақиқа олдин электрон рақамли имзо ёрдамида ахборот тизимига маълумотларни киритган ҳолда амалга ошириши лозим.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

47. Мазкур Низом талабларини бажаришдан келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

48. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 августдаги 531-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 31 июлдаги 605-сон қарорига:

а) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарларни декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин».

б) 1-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарларни декларациялаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом товарларни божхона юк декларациясини тақдим этиш орқали декларациялаш, шу жумладан, уни автоматлаштирилган тарзда расмийлаштириш жараёнини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Е-архив» интерактив хизмати — товарларни электрон шаклда декларациялашни шакллантиришга асос ҳисобланган электрон ҳужжатларни тақдим этиш ҳамда сақлаш учун мўлжалланган ва декларациялаш жараёни ва божхона расмийлаштируви давомида божхона хизмати органлари билан ахборот алмашувига қаратилган бир марталик электрон архивни яратиш имконини берувчи хизмат;

«Товарларни электрон декларациялаш» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — автоматлаштирилган ахборот тизими) — вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимлари алоқасини таъминловчи дастурий-техник воситалар комплекси;

божхона брокери — божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни декларант ёки ваколатли шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан шартнома асосида амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси юридик шахси;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис (кейинги ўринларда — мутахассис) — божхона брокери ёхуд бошқа юридик шахс билан меҳнат шартномаси тузган ва ушбу юридик шахс номидан божхона расмийлаштируви бўйича иш бажарадиган Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахси;

божхона юк декларацияси — декларант, божхона брокери ёки декларацияловчи шахс томонидан давлат божхона хизмати органига (кейинги ўринларда — божхона хизмати органлари) тақдим этиладиган ва муайян божхона режимига жойлаштириладиган товарлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат;

божхона юк декларациясини автоматлаштирилган тарзда расмийлаштириш — божхона юк декларациясини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда — Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими) масъул божхона хизмати органларининг ходими иштирокисиз, махсус алгоритмлар асосида автоматлаштирилган тарзда расмийлаштириш;

ваколатли органлар — Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни бериш ва киритиш ёхуд узатиш вазифалари юкланган органлар;

декларант — товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи ёхуд унинг номидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари декларацияланаётган шахс;

декларацияловчи шахс — божхона хизмати органларига божхона юк декларациясини ўз номидан тақдим этаётган декларант ёки божхона юк декларациясини тўлдириш, имзолаш ва божхона хизмати органларига декларант номидан тақдим этишга ваколатли божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёхуд бошқа шахс;

декларацияловчи шахслар рўйхати — декларант томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (кейинги ўринларда — ЯИДХП) «Декларацияловчи шахслар рўйхати» интерактив хизматига қўшиш ва чиқариш йўли билан шакллантириладиган декларацияловчи шахслар рўйхати;

ишонч билдирилган шахс — товарларни электрон шаклида декларациялашни тўлдиришга асос бўлиб хизмат қилувчи тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда маълумотларга жавобгар ҳисобланган, декларантнинг номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш қўрувчи ваколатли шахс;

рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатлар — ваколатли органлар томонидан бериладиган, Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиладиган ёки узатиладиган, божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган, рухсат бериш характерига эга бўлган ҳужжатлар ҳамда рўйхати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжат ва маълумотлар;

тақдим этиладиган ҳужжатлар — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат божхона қўмитаси) томонидан белгиланган шаклда Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига декларацияловчи шахс томонидан киритиладиган рўйхати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар ва маълумотлар, шунингдек божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар;

тасдиқланган электрон хабарнома — божхона ахборот тизими орқали маълум бир форматдаги электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) билан тасдиқланган декларант ёки декларацияловчи шахсларга автоматлашган тарзда юбориладиган божхона органи ходими томонидан товарларга нисбатан қабул қилинган қарори ҳақидаги электрон шаклдаги ҳужжат;

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси шахсий кабинети (кейинги ўринларда — ТИФ иштирокчиси кабинети) — ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг божхона хизмати органлари билан персоналлаштирилган ўзаро алоқа ва ахборот алмашинуви асосида рўйхатдан ўтган ҳолда божхона хизмати органларининг интерактив хизматларидан фойдаланиш учун мўлжалланган давлат божхона хизматининг электрон платформи;

товарларнинг электрон декларацияси — (кейинги ўринларда — ТЭД) ЭРИ билан тасдиқланган ҳолда автоматлаштирилган ахборот тизими орқали божхона хизмати органларига тақдим этилган божхона юк декларациясининг электрон кўринишидаги шакли;

формат-мантиқий назорат — Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида божхона юк декларацияси маълумотларини мантиқан ўзаро таққослаш ёки божхона хизмати органларида мавжуд ахборотлар билан солиштириш ва божхона юк декларациясини белгиланган форматга мувофиқлигини дастлабки текширувдан ўтказиш жараёни;

электрон шаклида декларациялаш — товарларни электрон шаклида декларациялаш ҳамда божхона расмийлаштируви учун лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни, божхона юк декларациясини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган божхона хизмати органларига идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан электрон шаклда тақдим этиш жараёни;

электрон ҳужжатнинг асли — электрон ҳужжатнинг бир хил ҳар қайси айнан нусхаси, башарти у белгиланган тартибда ҳақиқий деб тасдиқланган бўлса, асли.

3. Товарларни божхона юк декларацияси орқали декларациялаш электрон шаклда, шунингдек, мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда ёзма шаклда амалга оширилади.

4. Божхона назорати остида ташилаётган товар билан юк операциялари товар етказиб берилган манзилда шу мақсадларни амалга ошириш учун махсус ажратилган жойларда ва божхона органининг иш вақтида амалга оширилади.

Юк операцияларини ваколатли шахс ёки ташувчининг ёзма аризасига кўра бошқа жойларда ва (ёки) қайси божхона органининг фаолият кўрсатиш зонасида юк операцияларини амалга ошириш зарурати юзага келган бўлса, ўша божхона органининг белгиланган иш вақтидан ташқари пайтда ўтказишга шу божхона органининг назорати остида йўл қўйилади.

5. Товар келиб тушадиган божхона органи жойлашган ерларга ёки жўнатувчи божхона органи томонидан белгиланган бошқа жойларга товар етказиб берилади.

Товар келиб тушадиган божхона органи иш вақтидан ташқари пайтда товар етказиб берилганда, у божхона назорати зонасига жойлаштирилади.

6. Ташувчи товар келиб тушадиган божхона органини товар етказиб берилганлиги тўғрисида товарларни ва унинг кузатув ҳужжатларини тақдим этиш орқали хабардор қилади.

Хабар қилиш товарлар етказиб берилганидан кейин ўттиз дақиқадан кечиктирмай, товарлар товар келиб тушадиган божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтда етказиб берилганда эса, божхона органининг иш вақти бошланганидан кейин ўттиз дақиқадан кечиктирмай амалга оширилади.

7. Товар келиб тушадиган божхона органи хабарномани олган пайтдан эътиборан уч соат ичида товарнинг кузатув ҳужжатларига ва божхона ахборот тизимига белги қўйиш орқали товар ва транспорт воситаси етказиб берилганлиги фактини тасдиқлайди.

Етказиб берилганлиги тасдиқланган пайтдан эътиборан товар вақтинча сақлаш божхона режимида турган товар мақомини олади.

8. Товарлар муайян божхона режимига жойлаштирилганига қадар қисқа божхона юк декларацияси асосида божхона назорати остида сақланади.

Қисқа божхона юк декларацияси сифатида транспорт ҳамда тижорат ҳужжатларидан, шу жумладан халқаро ташишлари амалга оширилаётганда қўлланиладиган, чет тилларда тузилган ва уларда, товарни жўнатувчи (қабул қилувчи)нинг номи ва жойлашган ери, товар жўнатилган мамлакат ва келиб тушадиган мамлакати, товарнинг номи, миқдори, оғирлиги (кило-

граммларда) ёки ҳажми (метр кубларда), юк жойларининг сони, товарнинг ўраш-жойлаш ҳамда тамғалаш хусусияти ва усуллари ҳамда товарнинг фактура қиймати ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти товар номенклатурасига мувофиқ тасниф коди ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжатлар назарда тутилади.

Қисқа божхона юк декларацияси товар божхона органига тақдим этилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан ташувчи ёки бошқа ваколатли шахс томонидан берилади. Агар товар шу муддат ичида бошқа божхона режимига жойлаштирилса, қисқа божхона юк декларацияси берилмайди.

9. Товар етказиб берилганидан ҳамда товар келиб тушадиган божхона органига тегишли ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим қилинганидан кейин товар тушириб олинади ёки қайта ортилади, божхона омборига вақтинча сақлаш учун жойлаштирилади ва муайян божхона режимига маълум қилинади.

10. Товарлар доимий божхона назорати остида бўлганда ва товарлар божхона органига топширилгандан кейин божхона расмийлаштируви йигирма тўрт соат ичида тугалланганда, вақтинча сақлаш божхона режими божхона расмийлаштирувининг босқичи сифатида қўлланилмайди.

11. Божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар учун божхона юк декларацияси товар келиб тушадиган божхона органига товарлар тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш календарь кундан кечиктирмай берилади, божхона қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарлар учун божхона юк декларацияси улар амалда олиб чиқиб кетилганига қадар берилади.

12. Давлат божхона қўмитаси ва ваколатли органлар доимий равишда ўз ахборот тизимларини узлуксиз ишлашини таъминлайдилар.

13. Давлат божхона қўмитаси товарларни электрон шаклида декларациялаш ҳамда божхона расмийлаштируви учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг электрон шаклини тасдиқлайди ва ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

2-боб. Товарларни электрон шаклида декларациялаш

14. Товарларни электрон шаклида декларациялаш Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ваколатли органлар ахборот тизимлари билан ўзаро маълумотларни ўтказиш телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширилади.

15. Товарларни электрон шаклида декларациялаш ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ схема бўйича тўрт босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда — ваколатли органлари мажбурий тартибда «Ягона дарча» божхона ахборот тизимига ўзларининг рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатларини киритилишини таъминлайди.

«Ягона дарча» божхона ахборот тизимига ваколатли органлар томонидан рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотлар киритилмаган бўлса, тизим томонидан ТЭД қабул қилинмайди.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иккинчи босқичда — декларант ТИФ иштирокчиси кабинети орқали рўйхатдан ўтган ҳолда декларацияловчи шахслар рўйхатига божхона брокери ёки ўз штат бирлигида бўлган божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси тўғрисидаги маълумотларни киритади ва унинг томонидан божхона хизмати органларига ТЭДни тақдим этиш ваколат муддатини кўрсатади. Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бундан мустасно.

Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари номидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ТЭД тақдим этилганда, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисидаги маълумотлар декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилмайди.

Декларант томонидан декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилган божхона брокери ТИФ иштирокчиси кабинети орқали рўйхатдан ўтган ҳолда ўзининг штат бирлигида бўлган божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси тўғрисидаги маълумотларни киритиб, божхона хизмати органларига товарларни электрон шаклида декларациялашни тақдим этиш ваколат муддатини кўрсатади.

Декларант ёки у ишонч билдирилган шахс ТИФ иштирокчиси кабинетидаги «Е-архив» интерактив хизматидан фойдаланган ҳолда электрон архивни шакллантириб, унга ўзининг ЭРИси билан тасдиқлаган божхона расмийлаштируви учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг электрон шакллари жойлаштирилади.

Электрон архивга жойлаштирилган ҳужжатларга автоматик тарзда махсус рақам берилади ва бу ҳақда декларантга тасдиқланган электрон хабарнома юборилади.

Электрон архивга жойлаштирилган ҳужжатлар декларант томонидан ўзгартирилиши ва ўчирилиши мумкин, бунда декларациялаш жараёнида ҳамда божхона расмийлаштируви давомида фойдаланилган ҳужжатлар мустасно.

Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рўйхати ва формати, уларнинг тақдим этиш тартиби Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади ва бу ҳақда «Е-архив» интерактив хизмати орқали маълум қилинади.

Декларант маълум қилинган махсус рақамни декларацияловчи шахслар рўйхатида маълумоти киритилган божхона брокери ёки божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга тақдим этади ҳамда уларга ТИФ иштирокчиси кабинетига фақат ушбу махсус рақам берилган ҳужжатларни кўриш, зарур ҳолларда кўчириб олиш имкониятини таъминлайди, бундан ТЭД декларант томонидан тақдим этиладиган ҳоллар мустасно.

Декларацияловчи шахс ТИФ иштирокчиси кабинетига рўйхатдан ўтган ҳолда «Е-архив» интерактив хизматининг электрон архивидаги махсус рақами бўлган ҳужжатлар асосида ТЭДни шакллантиради ва ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, автоматлаштирилган ахборот тизими орқали божхона хизмати органларига юборади.

ТЭДни шакллантиришда декларацияловчи шахс томонидан асос бўлган электрон ҳужжатлар махсус рақами кўрсатилади ва ушбу электрон ҳужжатларни божхона хизмати органларига тақдим этиш талаб этилмайди.

Электрон шаклида декларациялаш жараёнида декларацияловчи шахс махсус рақам берилмаган қўшимча декларациялашга оид ҳужжатларни тақдим этиши мумкин, бу ҳақда божхона хизмати органларига ҳужжатлар зарурлигининг сабабларини кўрсатган ҳолда электрон хабарнома юборилади.

Транспорт ва тижорат ҳужжатлари ёки божхона хизмати органларида мавжуд маълумотлар бундан мустасно.

Автоматлаштирилган ахборот тизими орқали божхона органига ТЭД келиб тушганида, бу ҳақда ТИФ иштирокчиси кабинети орқали декларантга тасдиқланган электрон хабарнома юборилади.

Учинчи босқичда — божхона хизмати органларига келиб тушган ТЭД божхона ахборот тизимининг дастлабки формат-мантиқий назоратидан ўтказилади ва текширувларнинг ижобий натижасида, товарларни электрон шаклида декларациялашга автоматлаштирилган тарзда тартиб рақами берилиб, рўйхатдан ўтказилади ҳамда бу ҳақда декларантга тасдиқланган электрон хабарнома юборилади.

Формат-мантиқий назоратда ТЭДда хато ва камчиликлар ёки номувофикликлар аниқланган тақдирда, Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими томонидан автоматлаштирилган тарзда товарларни электрон шаклида декларациялаш қайтарилади ва бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахсга тасдиқланган электрон хабарнома юборилади.

ТЭД рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб у юридик аҳамиятга эга ҳужжатга айланади.

Рўйхатдан ўтган ТЭД божхона ахборот тизими орқали автоматлаштирилган тарзда товарлар божхона расмийлаштирувини амалга оширувчи божхона хизмати органи ходимлари ўртасида тақсимланади ёки божхона хизмати органи ходими иштирокисиз, Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидаги махсус алгоритмлар асосида автоматлаштирилган тарзда ушбу Низомнинг 3-бобида кўрсатилган тартибда расмийлаштирилади.

Тўртинчи босқичда — Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматлаштирилган тарзда тақсимланган ТЭД божхона хизмати органлари ходими томонидан қабул қилинади ва бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахсга ТИФ иштирокчиси кабинети орқали тасдиқланган электрон хабарнома юборилади.

ТЭД ушбу хабарнома юборилган вақтдан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади.

ТЭДни расмийлаштиришда божхона ахборот тизими томонидан хавф даражаси паст деб топилган декларациялар устувор деб ҳисобланади.

Божхона хизмати органлари ходими божхона расмийлаштирувини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига риоя этиш билан бирга «Хавфни бошқариш» автоматлаштирилган ахборот тизимини қўллаш натижасига мувофиқ ҳаракатларни амалга оширади.

ТЭДнинг божхона расмийлаштируви у қабул қилган вақтдан бошлаб қўйидаги муддатларда амалга оширилади:

а) хавф даражаси паст бўлганда ва божхона юк декларациясига ўзгар-

тириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурати юзага келмаганда, уч соат давомида (божхона хизмати органларининг иш вақтидан ташқари пайтда божхона юк декларацияси тақдим этилган ҳолатлар бундан мустасно);

б) хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга бўлганда ва божхона юк декларациясига ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурати юзага келмаганда, саккиз соат давомида (божхона хизмати органларининг иш вақтидан ташқари пайтда божхона юк декларацияси тақдим этилган ҳолатлар бундан мустасно);

в) хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга бўлганда ёки ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида муддати келтирилмаган ҳолларда қонунчиликда белгиланган умумий муддатда расмийлаштирилади.

Божхона хизмати органлари ходими божхона расмийлаштирувини амалга оширишда «Хавфни бошқариш» автоматлаштирилган ахборот тизимининг натижаларига асосланган ҳолда, хавф даражасига кўра қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмайди:

хавф даражаси паст бўлганда, электрон ҳужжатларнинг аслини талаб этиш ёки божхона кўриги ўтказиш ёхуд божхона экспертизасини тайинлаш;

хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга бўлганда, божхона экспертизасини тайинлаш ва божхона кўригини ўтказиш.

Ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган муддатлари ўтказиб юборилганда, божхона хизмати органлари ходими муддатларнинг ўтиб кетганлигининг асослантилган сабаблари декларацияловчи шахсга тасдиқланган электрон хабарнома орқали маълум қилади.

16. Божхона хизмати органлари ходими қабул қилинган ТЭДнинг расмийлаштирувини ушбу Низомнинг 15-бандидаги «а», «б» ва «в» кичик бандларида белгиланган муддатларда амалга оширишдан олдин қуйидагиларни бажаради:

ТЭДда кўрсатилган товарлар тегишли божхона омборига жойлаштирилганлиги ёки жойлаштириш эҳтимоли мавжудлигини ўрганиб чиқади. Бунда божхона ахборот тизими орқали электрон шаклда божхона омбори мудирига сўровнома юборади.

Божхона (эркин) омбори мудирини сўровномани қабул қилгандан сўнг ўттиз дақиқа ичида тақдим этилган ҳужжатлар асосида товарлар божхона омборига жойлаштирилганлиги ёки жойлаштириш эҳтимоли мавжудлигига аниқлик киритиб, божхона ахборот тизими орқали ТЭД тақдим этилган божхона постига электрон шаклда жавоб юборади.

Товарлар божхона (эркин) омборига жойлаштирилмаганлиги ёки жойлаштириш эҳтимоли мавжуд эмаслиги тасдиқланган тақдирда, божхона хизмати органлари ходими томонидан ТЭДни тақдим этган декларацияловчи шахснинг ТИФ иштирокчиси кабинетига божхона ахборот тизими орқали декларация қайтарилиши тўғрисида электрон шаклдаги хабарнома юборилади. Божхона (эркин) омбори мудирини томонидан товарлар жойлаштирилганлиги ёки жойлаштириш эҳтимоли мавжудлиги божхона ахборот тизимида олдиндан тасдиқлаш ҳолатлари ҳамда товарларни дастлабки, даврий декларациялаш ҳолатлари бундан мустасно.

Товарлар божхона органи рухсати асосида божхона омбори мақомига эга бўлмаган омборга жойлаштирилганда ёки товарлар транспорт воситасидан туширилмаган ҳолда эркин муомалага чиқарилиши ҳолатларида божхона ахборот тизимида бу ҳақида белги божхона хизмати органлари ходими томонидан амалга оширилади.

17. ТЭДнинг божхона расмийлаштируви яқунланганлиги расмийлаштирувни ўтказган божхона хизмати органлари ходими томонидан ўзининг ЭРИ билан белги қўйиш орқали тасдиқланади ва бу ҳақда автоматлаштирилган тарзда декларацияловчи шахснинг ТИФ иштирокчисининг кабинетига тасдиқланган электрон хабарнома юборилади.

3-боб. Автоматлаштирилган тарзда ТЭДни расмийлаштириш

18. ТЭД дастлабки формат-манتيқий назоратдан муваффақиятли ўтгандан сўнг, қуйидаги шартларга мос келганда, Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидаги махсус алгоритмлар асосида автоматлаштирилган тарзда божхона хизмати органлари ходими иштирокисиз расмийлаштирилади:

хавфни бошқариш тизими орқали хавф даражаси паст деб баҳоланганида;
ТЭДда кўрсатилган маълумотларда номувофиқликлар аниқланмаганида;
электрон ҳужжатларнинг аслини талаб этиш ёки товарларни чиқариб юборишдан олдин божхона назоратидан ўтказиш зарурияти бўлмаганида;
божхона ахборот тизимида белгиланган тегишли ҳужжатларни текшириш шартлари бажарилганда;

ТЭДда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши (чиқилиши) чекланган ва тақиқланган товарлар мавжуд бўлмаганда;

ТЭДда кўрсатилган маълумотларнинг ваколатли идоралар томонидан берилган рухсатнома ҳужжатларидаги маълумотлар билан ўртасида ўзаро номувофиқликлар аниқланмаганда;

товарларни инсон аралашувисиз божхона расмийлаштирувидан ўтказиш бўйича божхона ахборот тизимида белгиланган шартларни текшириш натижалари бажарилганда.

Мазкур шартларга мос келмаган электрон шаклида декларациялаш жараёни ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ амалга оширилади ва бу ҳақда декларантга тасдиқланган электрон хабарнома юборилади.

19. ТЭД божхона ахборот тизими орқали автоматлаштирилган тартибда расмийлаштирувдан ўтказилгандан сўнг, бу ҳақида декларацияловчи шахснинг ТИФ иштирокчиси кабинетига тасдиқланган электрон хабарнома юборилади.

20. ТЭДларни божхона ахборот тизимида автоматик ҳолда рўйхатга олиш, божхона хизмати органлари ходимларига автоматлаштирилган тарзда тақсимлаш ва божхона ходими иштирокисиз расмийлаштириш тартиблари ва шартлари Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

4-боб. Қоғозда ёзма шаклда декларациялаш

21. Товарларни қоғозда ёзма шаклда декларациялаш декларацияловчи

шахс томонидан А4 форматдаги варақларда Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган шаклдаги божхона юк декларациясини тўлдирган ҳолда тегишли ҳужжатлар билан бирга божхона хизмати органларига тақдим этиш орқали амалга оширилади.

22. Қоғозда ёзма шаклдаги декларациялаш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

давлат сирлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган ташқи савдо контрактлари бўйича олиб ўтиладиган товарларга нисбатан;

божхона ахборот тизимининг дастурларида техник носозликлар вужудга келганда;

халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолларда;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳолларда божхона юк декларацияси қоғозда ёзма шаклда тақдим этилганда божхона хизмати органларига электрон ташувчида унинг электрон шаклдаги нусхасини тақдим этиш талаб этилмайди.

23. Тақдим этилган қоғозда ёзма шаклдаги божхона юк декларацияси божхона хизмати органлари томонидан унинг электрон шаклдаги нусхаси билан бир вақтда қабул қилиниб, рўйхатга олинади ва божхона хизмати органлари ходимлари ўртасида тақсимланган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган умумий муддатда расмийлаштирилади.

24. Божхона хизмати органлари ходими божхона юк декларациясида кўрсатилиши кўзда тутилмаган ёки ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ҳолатларда божхона юк декларацияси бўйича ундирилган божхона тўловлари тўғрисидаги маълумотларни божхона хизмати органларининг «Божхона тўловларини ҳисобини юритиш» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади.

25. Расмийлаштирилган қоғозда ёзма шаклдаги божхона юк декларациялари ҳисоби божхона хизмати органлари томонидан юритилади.

5-боб. ТЭДни ҳамда тақдим этиладиган рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатларни тақдим этаётганда ЭРИдан фойдаланиш тартиби

26. ЭРИни тарқатиш ва унинг ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази — электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан ташкил этилади. Бунда ЭРИ калитлари махсус ҳимояланган қурилмаларда сақланиши талаб этилади.

27. Электрон ҳужжатларни тақдим этганда, қўйидагилар электрон ҳужжатлар алмашинуви иштирокчилари ҳисобланади:

а) рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатларни Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига киритувчи ва узатувчи ваколатли органлар ходимлари;

б) автоматлаштирилган ахборот тизимига ТЭД ва электрон шаклда тақдим этиладиган ҳужжатларни тақдим этувчи декларацияловчи шахслар;

в) ТЭД ва электрон шаклда тақдим этиладиган ҳужжатларни расмийлаштирувчи божхона хизмати органлари ходимлари.

28. ТЭДни имзолаш ваколатига эга бўлган жисмоний шахс (электрон рақамли имзо калитининг эгаси) товарларни электрон шаклида декларациялашда кўрсатилган маълумотларни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқловчи шахсдир.

29. Давлат божхона қўмитаси дастурий-аппарат воситалари декларацияловчи шахсларнинг ЭРИСИ ҳақиқийлиги ва уларнинг рўйхатда мавжудлигини текшириш жараёнини, шунингдек, электрон шаклдаги автоматлаштирилган ахборот тизими ва Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига келиб тушиш сана ва вақтини кўрсатувчи рухсат берувчи ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишни таъминлайди.

6-боб. Электрон шаклида декларациялашда божхона ахборот тизими фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

30. Товарларни электрон шаклида декларациялашда декларант ёки декларацияловчи шахс қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ТЭДни тақдим этишида, ушбу Низомнинг 15-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган муддатларда расмийлаштирувни амалга оширилишидан олдин ёхуд расмийлаштирув жараёнида товарларни транспорт воситаларидан божхона хизмати органлари томонидан белгиланган жойларга тушириш учун рухсат бериш тўғрисида божхона хизмати органларига сўровнома юбориш;

товарларни транспорт воситаларидан божхона хизмати органлари томонидан белгиланган жойларга вақтинча сақлаш учун тушириш жараёнида ёки туширилгандан сўнг товарлар миқдори, номланиши, тавсифи ёки бошқа ўзига хос хусусиятларида тафовут аниқланган тақдирда ТЭДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ҳақида мурожаат қилиш;

ўзларининг ТИФ иштирокчиси кабинетида «Божхона расмийлаштируви бўйича кўрсатилган хизмат сифатини баҳолаш» модули орқали электрон шаклида декларациялаш жараёнини баҳолаш;

автоматлаштирилган ахборот тизими ва Давлат божхона қўмитаси томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматлар орқали улар томонидан тақдим этилган ТЭДларнинг ва электрон ҳужжатларнинг декларация расмийлаштирилган санадан бошлаб ўн беш кун муддатда юклаб олиш ҳамда қоғозда ёзма шаклини чоп этиш;

божхона расмийлаштируви жараёнида ва ундан сўнг божхона хизмати органлари томонидан божхона юк декларациясида қоидабузарликлар аниқлангунга қадар божхона тўловларининг ҳисоблашга ёки тақик, чекловлар қўлланилишига таъсир этмайдиган қоидабузарликларни ихтиёрий равишда божхона органи рухсати билан тузатиш ҳуқуқига эга, бундан қонунчиликда декларант ёки декларацияловчи шахснинг мурожаатига асосан божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта

расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тақиқланган ҳолатлар мустасно.

Ушбу ҳолатларда декларант ва декларацияловчи шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилмайди.

Товарларни электрон шаклида декларациялашда декларант ёки декларацияловчи шахслар:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, божхона расмийлаштируви вақтида тақдим этилган ТЭДлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлаши;

товарларни декларациялаш давомида божхона хизмати органларига ҳужжатларни тақдим этиш ҳамда тегишли сўровномаларни юбориш билан боғлиқ ҳаракатларни ТИФ иштирокчиси кабинетини орқали амалга ошириши;

ТЭДни тўлдиришда асос бўлган қоғозда ёзма шаклидаги ҳужжатларнинг сақланиши бўйича жавобгарлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ декларант зиммасига юкланади.

Декларант ТЭДни тўлдиришда асос бўлган қоғозда ёзма шаклидаги ҳужжатларнинг хавфсиз сақланиши шароитларини таъминлаши ва уларга ўзгартириш киритишдан ҳимоялаши шарт.

Декларант томонидан божхона хизмати органларига ТЭД ўз номидан тақдим этилганда, у қонунчилик ҳужжатларида белгиланган божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

Юқларнинг божхона расмийлаштирувида электрон шаклида декларациялаш жараёнидан фойдаланаётган декларантлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилаётган маълумотлар ва электрон ҳужжатларни архивлаштириш интерактив хизмати орқали тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончилиги ҳамда тўғрилигини таъминлайдилар.

31. Товарларни электрон шаклида декларациялашда божхона хизмати органлари ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тақдим этилган ТЭДда номувофиқликлар аниқланганида, божхона хизмати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хорижий давлатлар ёки халқаро ташкилотлардан олинган маълумотлар ҳамда тезкор-қидирув натижалари асосида белгиланган хавфни минималлаштириш чораларини ўзгартириш ва қўшимча тадбирларни амалга ошириш;

декларацияловчи шахслар томонидан баҳолаш жараёнида берилган таклифларни мониторинг қилиш;

аниқланган хатолик ёки номувофиқликлар (тафовутлар) ҳолатлари сабабларини ўрганиш мақсадида тақдим этилаётган электрон ҳужжатларнинг аслини талаб қилиш. Ўрганиш давомида божхона қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги тасдиқланмаса ёки аниқланган хатоликлар декларацияловчи шахс томонидан бартараф этилса, тақдим этилган электрон ҳужжатларнинг асли тўлиқ қайтарилади;

агар ўрганиш давомида қонунчиликда назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланса, терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш;

Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти орқали декларант ва

декларацияловчи шахсларга божхона юк декларациясининг расмийлаштирув ҳолати, сарф этилган вақт ҳақида маълумотларни интерактив хизматлари орқали кузатиш ва баҳолаш имкониятини яратиш.

Товарларни электрон шаклида декларациялашда божхона хизмати органлари ходимлари:

ТЭДни декларациялаш ва расмийлаштирув давомида «Хавфни бошқариш» автоматлаштирилган тизими буюрган божхона операцияларини бажариши;

хавфни минималлаштириш чораларини ўзгартириш натижасида божхона кўригини ўтказиш зарурияти мавжуд бўлганда, декларацияловчи шахсга товарларга нисбатан божхона кўриги тайинланганлиги, уни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида тасдиқланган электрон хабарнома юбориши;

декларацияловчи шахс томонидан тақдим этилган товарларни тушириш тўғрисидаги сўровномани кўриб чиқиш ва рухсат берувчи ёхуд рад этувчи хабарнома юбориши;

декларацияловчи шахс томонидан тақдим этилган товарларни транспорт воситаларидан божхона хизмати органлари белгилаган жойларга вақтинча сақлаш учун тушириш жараёнида ёки туширилгандан сўнг товарлар миқдори, номланиши, тавсифи ёки бошқа ўзига хос хусусиятларида тафовут аниқланган тақдирда ТЭДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ҳақида мурожаатини кўриб чиқиши.

Божхона органи ходими ТЭДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишга қўйидаги ҳолларда рухсат беради:

декларант ёки декларацияловчи шахсдан ТЭДда маълум қилинган товарларга нисбатан ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар талаб қилинмаган бўлса;

ТЭДда маълум қилинган товарларни божхона кўригидан ўтказиш белгиланмаган бўлса;

ТЭДдаги товарларни божхона экспертизасидан ўтказиш тайинланмаган бўлса; декларацияловчи шахснинг мурожаати асосли деб топилганда.

Мурожаат қўйидаги ҳолатларда асосли деб ҳисобланади:

товарлар ва транспорт воситаси доимий равишда божхона назорати остида сақланганда;

товарлар миқдоридаги тафовут божхона омбори вакили томонидан тузилган далолатнома асосида тасдиқланганда;

товарларни ортиш (тушириш) жараёнлари божхона омборида ўрнатилган видеокузатув камераларида аниқ тасвирланганда;

ваколатли идора экспертиза хулосаси олинган ҳолларда (тушириш ёки ортиш жараёнига эксперт жалб этилган тақдирда).

Мурожаатни бир иш куни ичида ўрганиб чиқиб, ушбу муддат ичида товарларни декларант, декларацияловчи шахс, божхона омбори вакили (агар товарлар божхона омборига жойлаштирилган ҳолларда) иштирокида божхона кўригидан ўтказиш ва мурожаат асосли деб топилган тақдирда ТЭДга ўзгартириш киритишга рухсат беради;

божхона юк декларациясида божхона тўловларини кам ҳисобланишига, шунингдек, тақиқ ёки чекловлар қўлланилмаслигига ёхуд божхона статистикаси, божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотларни

нотўғри шаклланишига сабаб бўлмаган маълумотлардаги сўзларда (рақамлар ва ҳарфли кодлар мустасно) имло хатоликлар аниқланганда, декларацияловчи шахсга бир иш куни давомида ушбу хатоликлар билан боғлиқ қоидабузарликларни ихтиёрий равишда тузатишга рухсат бериш, бундан қонунчиликда божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тақиқланган ҳолатлар мустасно.

Қоидабузарликларни ихтиёрий равишда тузатишга рухсат берилганлиги декларацияловчи шахсга ТИФ иштирокчиси кабинети орқали электрон хабарнома билан маълум қилинади ва бир иш куни муддати хабарнома жўнатилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

32. Божхона хизмати органлари, декларантлар ва божхона брокерлари, шу жумладан, декларацияловчи шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда товарларни электрон шаклида декларациялашлар ва электрон шаклда тақдим этиладиган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди.

33. Божхона брокерлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилаётган маълумотлар тўғрилигига жавобгар ҳисобланади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

34. Божхона хизмати органлари ходимлари ТЭДларнинг ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган муддатларда расмийлаштирилиши учун шахсан жавоб берадилар, бундан божхона хизмати органларининг автоматлаштирилган тарзда расмийлаштирилган ёки мазкур Низомнинг 15-бандининг йигирма олтинчи хатбошиси асосида сабаблари декларацияловчи шахсга маълум қилинган товарларни электрон шаклида декларациялашлар мустасно.

35. Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими дастурига уланган божхона ва ваколатли органлар ўз ваколатлари доирасида ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи хўжалик субъектлари ва давлатга зарар етказувчи тизимдаги мавжуд маълумотларга ноқонуний кириш, уларни ўзгартириш ёки бошқа ҳаракатлардан ҳимоялаш бўйича зарур бўлган ташкилий ва техник чораларни кўриши шарт.

Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими дастуридаги маълумотларга кириш ҳуқуқи бўлган божхона ва ваколатли органлар ходимлари мазкур маълумотларни ошкор этиш, ўз мақсадлари ёки учинчи шахслар манфаатларида фойдаланиш ҳамда учинчи шахсларга маълумотларнинг белгиланган ҳимоя қоидаларини бузган ҳолда, уларни олиш имкониятини яратиш ҳуқуқига эга эмас.

36. Божхона юк декларацияси ҳамда божхона назоратини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар божхона органларида товарлар божхона назорати остида турган товар мақомини йўқотган йилдан кейинги йилдан эътиборан уч йил давомида сақланади.

37. Давлат божхона қўмитаси декларацияловчи шахсларга товарлар-

ни электрон шаклида декларациялаш ва Давлат божхона қўмитаси томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматлар орқали улар томонидан тақдим этилган товарларни электрон шаклида декларациялашларнинг ва электрон хужжатларнинг декларация расмийлаштирилган санадан бошлаб ўн беш кунлик муддатга қадар юклаб олиш, қоғозда ёзма шаклини чоп этиш ҳуқуқи ва имкониятини таъминлайди.

Давлат божхона қўмитаси пуллик хизмат асосида декларантларга ўзларига тегишли товарларни электрон шаклида декларациялашларнинг божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб уч йил ичида ўз серверида сақлаб бериш, уларни қоғозда ёзма шаклини чоп этиш ва товарларни электрон шаклида декларациялашга оид бошқа маълумотларни олиш имкониятини таъминлайди.

Пуллик хизматдан тушган йиғимлар Давлат божхона қўмитасининг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш, божхона хизмати органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига йўналтирилади ва белгиланган тартибда тақсимланади.

Мазкур пуллик хизматларнинг турлари, шакллари, мақомлари ва хизматга пул тўлашнинг тарифлари Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади ва ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

38. Электрон шаклида декларациялашда божхона хизмати органлари томонидан бошқа шахслар учун товарларни электрон шаклида декларациялаш ва унга тегишли хужжатларнинг қоғозда ёзма шакли чоп этилмайди ва имзо ҳамда муҳр билан тасдиқланмайди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

ТЭД ва тегишли хужжатларнинг қоғозда ёзма шаклидаги нусхаларини божхона хизмати органлари томонидан тасдиқлаш тартиби Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

39. Рухсат этувчи ва бошқа хужжатларнинг электрон шаклини шакллантиришда ваколатли органлар ходимлари тегишли маълумотларнинг ўз вақтида киритилиши ҳамда уларнинг тўғрилиги учун шахсан масъулдирлар.

40. ТЭДлардаги аниқ келишувлар ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар конфиденциал ҳисобланади.

41. Аниқ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг амалга оширган операциялари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тақиқланади, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

42. Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан божхона юк декларациясини тақдим этиш сўралганда, божхона юк декларацияси асосида шаклланган маълумот қоғозда ёзма шаклда ёки электрон кўринишда ёхуд ўзаро келишувга асосан ахборот алмашинуви тизимлари орқали тақдим этилади, ушбу Низомнинг 41-бандида тақиқланган ҳолатлар бундан мустасно.

43. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.»

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона омбори, эркин омбор ва бож

олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 9 апрелдаги 210-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-банднинг тўққизинчи хатбошидаги «худуд» сўзи «божхона назорати зонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикасига олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланган товарларни (божхона органлари томонидан олиб қўйилган ва божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборига жойлаштирилган товарлар бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланиши ва сотилиши тақиқланган товарларни;

ваколатли давлат органлари томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни сақлашга рухсат берилмайди»;

16-бандда:

иккинчи хатбошига «божхона омбори ҳудудига» сўзларидан кейин «божхона назорати зонасига» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар бинонинг ёки иншоотнинг ёхуд очиқ майдоннинг бир қисми божхона омбори ҳисобланса, унга бориш йўллари ва туташиб кетадиган бутун худуд божхона назорати остидаги товарларга бегона шахсларнинг яқинлашишини истисно этадиган қилиб жиҳозланиши керак.»;

17-бандда:

биринчи хатбошига «бинолари» сўзидан кейин «ва (ёки) очиқ майдончалари» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

18-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«божхона омбори сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган бинолар ҳажмини ва (ёки) очиқ худуднинг ҳамда божхона назорати зонасининг умумий майдонини»;

бешинчи хатбошига «майдони» сўзидан кейин «ҳамда божхона назорати зонаси» сўзлари қўшилсин;

20-бандда:

иккинчи хатбошига «яхлит тўсиқлар» сўзларидан кейин «(узлуксиз темир панжара ёки девор)» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«оғир юкли транспортнинг манёвр (тўсиққа чап бериш учун ўз йўналишини ўзгартириб бажариладиган ҳаракатлари — қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, ортга ҳаракат, айланиб ўтиш) қилиш имкониятини таъминлаши»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«барча кириш (чиқиш) ва (ёки) чиқиш (кириш) жойларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида «божхона назорати зонаси» белгиси қўйилган, олинган тасвирларни уч ой давомида кўрсатиш ҳамда божхона органларига онлайн узатиш имконига эга бўлган, қуну тун ишлайдиган автотранспорт воситасининг давлат рақами белгисини ва темир йўл транспорти воситасининг рақамини аниқлаш тизими билан жиҳозланган назорат-ўтказиш пунктлари бўлиши»;

қўйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«товарларни божхона омборига жойлаштириш ва омбордан олиб чиқиш фақат божхона назорати зонаси орқали амалга ошириладиган тарзда жиҳозланиши лозим.»;

22-банднинг биринчи хатбошига «биттадан кам бўлмаган» сўзларидан кейин «усти» сўзи қўшилсин;

24-бандда:

«корхоналар худудидаги ва» сўзларидан кейин «ёки» сўзи қўшилсин; қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Махсус (режимли) объектларда жойлашган ёпиқ турдаги божхона омборларига лицензия талаблари ва шартларини қўллашда алоҳида тенг кучга эга ёки юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаблари эътиборга олинади»;

26-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «факс» сўзи чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«божхона омборига ўрнатилган видеокузатув тизимига уланган»;

30-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лицензия талаблари ва шартлари асосида жиҳозланган видеокузатув тизимлари ёрдамида олинган вақт бўйича узлуксиз видеоёзувларнинг уч ой давомида сақланишини таъминлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш, устига ёзиш, ўчириш, нусха олиш, кўчириб олиш каби ҳаракатларни бажаришнинг ва бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш»;

қўйидаги мазмундаги олтинчи — саккизинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

«видеокузатув тизимини божхона назорати остида товарларни ташиётган транспорт воситасининг божхона омбори худудига кириб келишидан товарлар билан амалга ошириладиган ҳар бир юк ва бошқа операцияларни ҳамда уларнинг божхона омборларига жойлаштирилиши ва чиқариб юборилиши бўйича кетма-кетликда олинган видеоёзувларни таъминлайдиган қилиб ўрнатиш;

видеокузатувни тўлиқ амалга ошириш имконини берадиган ёритиш тизими билан таъминлаш;

видеоёзувларнинг узлуксизлигини ва ахборот тизимининг мунтазам ишлашини таъминлаш учун муқобил электр манбаси (қурилмалари)га эга бўлиши»;

олтинчи — йигирма учинчи хатбошилари тегишли равишда тўққизинчи — йигирма олтинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

32-бандда:

иккинчи хатбошига «ашёвий ҳуқуқлар ёки» сўзларидан кейин «муддатларини кўрсатган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«автомобиль ва темир йўллар кўрсатилган ҳолда, божхона омбори учун мўлжалланган ҳудуд (шунингдек, ёндош) ҳамда бинолар ва (ёки) очик майдончаларнинг сифатли чизмаси (ўлчамлари кўрсатилган божхона назорати зонаси, қўриқланадиган ҳудуд билан бирга) ва кадастр йиғма жилдидаги тарҳи»;

37-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

40-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Лицензияловчи органда ташкил этилган эксперт комиссияси хулоса тайёрлаш жараёнида объект (бино, иншоотлар ва (ёки) ҳудуд) бўйича қуйидаги маълумотларни электрон ҳамкорлик йўли билан ёхуд электрон сўров орқали олади ва унинг натижаларини хулосага қўшади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан — ижара шартномаси тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигидан — кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ тўғрисида.

Белгиланган муддатларда бошқа ваколатли органлар томонидан жавоб берилмаганда, қўшимча ҳужжатлар олинган ёки улар билан келишилган ҳисобланади, бунда мазкур ваколатли органлар вужудга келиши мумкин бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

Ваколатли давлат органлари объект (бино, иншоотлар ва (ёки) ҳудуднинг) санитария ва ёнғин қоидалари бўйича тадбирлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига малакали кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳужжатларни олиш учун зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беради, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад қилиш ҳоллари бундан мустасно»;

48-банддаги «тҳақида» сўзи «ҳақида» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 61¹-банд қўшилсин:

«61¹. Божхона омборларида божхона назорати остидаги товарлар ва транспорт воситаларининг божхона назоратини амалга ошириш жараёнида лицензия талаблари ва шартлари бўйича номувофиқликлар кузатилганда, божхона органи божхона назорати остидаги товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назоратининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш чорасини кўрган ҳолда, лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги ҳолати бўйича шу куннинг ўзида лицензияловчи органни хабардор қилади»;

73-бандда:

ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

85-бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар қўшилсин:

«Лицензияловчи орган божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжат киритилган сўровномани олган кундан эътиборан ўн кун муддатда ушбу ҳужжатни божхона тўловлари тўланишини таъминлаш воситаси сифатида қабул қилади ёки рад этади ва бу ҳақида хабарнома юборади.

Қуйидаги ҳолларда божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатнинг божхона тўловлари тўланишини таъминлаш воситаси сифатида қабул қилиниши рад этилади:

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатда нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатни расмийлаштиришга асос бўлган шартнома тақдим этилмаганда;

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатда кўрсатилган сумма миқдори Божхона кодексининг 338-моддасида кўрсатилган миқдордан кам бўлганда;

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжат шартлари Божхона кодексининг 344 ва 345-моддаларида белгиланган, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг суммаси ва фоизлар қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона органи томонидан сўзсиз тартибда ундириб олиниши талабларига зид бўлганда»;

б) 2-иловада:

2-банднинг еттинчи хатбошидаги «ҳудуд» сўзи «божхона назорати зонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Эркин омборларда товарлар билан чакана савдо операцияларини амалга оширишга йўл қўйилмайди»;

7-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин омборда сақлашни назарда тутмайдиган ўзгача божхона режими остида сақлашга ариза берилган товарлар эркин омбордан танланган божхона режимига мувофиқ бундай товарлар чиқарилиши пайтидан бошлаб, уч иш кунидан кечикмай олиб чиқилиши керак»;

8-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Лицензия лицензияловчи орган томонидан амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда, омбор ҳудудига (эркин омбор сифатида фойдаланиш мўлжалланаётган бинолар ва (ёки) очиқ майдончалар, шунингдек, божхона назорати зонаси) эга бўлган лицензия талабгорига лицензия талабгори, эркин омбор ҳудуди, бинолар ҳамда божхона назорати зонаси ушбу Регламент талаблари ва шартларига мувофиқ бўлиши шарти билан берилади»;

14-бандда:

иккинчи хатбошига «эркин омбор ҳудудига» сўзларидан кейин «божхона назорати зонасига» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар бинонинг ёки иншоотнинг ёхуд очиқ майдоннинг бир қисми эркин омбор ҳисобланса, унга бориш йўллари ва туташиб кетадиган бутун

худуд божхона назорати остидаги товарларга бегона шахсларнинг яқинлашишини истисно этадиган тарзда жиҳозланиши керак»;

16-бандда:

биринчи хатбошига «бинолари» сўзидан кейин «ва (ёки) очик майдончалари» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

17-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«эркин омбор сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган бинолар ҳажмини ва (ёки) очик худуднинг ҳамда божхона назорати зонасининг умумий майдонини»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«Бунда эркин омбор худуди ва бинолар майдони ҳамда божхона назорати зонаси мазкур Регламентда назарда тутилган талаблар ва шартлар ҳисобга олинган ҳолда ажратилиши керак»;

19-бандда:

иккинчи хатбошига «яхлит тўсиқлар» сўзларидан кейин «(узлуксиз темир панжара ёки девор)» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«оғир юкли транспортнинг манёвр (тўсиққа чап бериш учун ўз йўналишини ўзгартириб бажариладиган ҳаракатлари — қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, ортга ҳаракат, айланиб ўтиш) қилиш имкониятини таъминлаши»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«барча кириш (чиқиш) ва (ёки) чиқиш (кириш) жойларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида «божхона назорати зонаси» белгиси қўйилган, олинган тасвирларни уч ой давомида кўрсатиш ҳамда божхона органларига онлайн узатиш имконига эга бўлган, куну тун ишлайдиган автотранспорт воситасининг давлат рақами белгисини ва темир йўл транспорти воситасининг рақамини аниқлаш тизими билан жиҳозланган назорат-ўтказиш пунктлари бўлиши»;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«товарларни эркин омборга жойлаштириш ва ундан олиб чиқиш фақат божхона назорати зонаси орқали амалга ошириладиган тарзда жиҳозланиши лозим»;

21-банднинг биринчи хатбошига «биттадан кам бўлмаган» сўзларидан кейин «усти» сўзи қўшилсин;

24-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «факс» сўзи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«эркин омборга ўрнатилган видеокузатув тизимига уланган»;

28-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лицензия талаблари ва шартлари асосида жиҳозланган видеокузатув

тизимлари ёрдамида олинган вақт бўйича узлуксиз видеоёзувларнинг уч ой давомида сақланишини таъминлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш, устига ёзиш, ўчириш, нусха олиш, кўчириб олиш каби ҳаракатларни ба-жаришнинг ва бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш;»;

қуйидаги мазмундаги олтинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«видеокузатув тизимини божхона назорати остида товарларни ташиётган транспорт воситасининг эркин омбор ҳудудига кириб келишидан товарлар билан амалга ошириладиган ҳар бир юк ва бошқа операцияларни ҳамда уларнинг эркин омборларга жойлаштирилиши ва чиқариб юборилиши бўйича кетма-кетликда олинган видеоёзувларни таъминлайдиган қилиб ўрнатиш;

видеокузатувни тўлиқ амалга ошириш имконини берадиган ёритиш тизими билан таъминлаш;

видеоёзувларнинг узлуксизлигини ва ахборот тизимининг мунтазам ишлашини таъминлаш учун муқобил электр манбаси (қурилмалари)га эга бўлиши;»;

олтинчи — йигирма иккинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — йигирма бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

30-бандда:

иккинчи хатбошига «ашёвий ҳуқуқлар ёки» сўзларидан кейин «муддатларини кўрсатган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«автомобиль ва темир йўллар кўрсатилган ҳолда, эркин омбор учун мўлжалланган ҳудуд (шунингдек, ёндош) ҳамда бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларнинг сифатли чизмаси (ўлчамлари кўрсатилган божхона назорати зонаси, қўриқланадиган ҳудуд билан бирга) ва кадастр йиғмажилдидаги тарҳи»;

35-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

38-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Лицензияловчи органда ташкил этилган эксперт комиссияси ҳулоса тайёрлаш жараёнида объект (бино, иншоотлар ва (ёки) ҳудуд) бўйича қуйидаги маълумотларни электрон ҳамкорлик йўли билан ёхуд электрон сўров орқали олади ва унинг натижаларини ҳулосага қўшади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан — ижара шартномаси тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигидан — кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ тўғрисида.

Белгиланган муддатларда бошқа ваколатли органлар томонидан жавоб берилмаганда қўшимча ҳужжатлар олинган ёки улар билан келишилган ҳисобланади, бунда мазкур ваколатли органлар вужудга келиши мумкин бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

Ваколатли давлат органлари объектнинг (бино, иншоотлар ва (ёки) ҳудуднинг) санитария ва ёнғин қоидалари бўйича тадбирлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига малакали

кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳужжатларни олиш учун зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беради, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад қилиш ҳоллари бундан мустасно»;

қуйидаги мазмундаги 59¹-банд қўшилсин:

«59¹. Эркин омборларда божхона назорати остидаги товарлар ва транспорт воситаларининг божхона назоратини амалга ошириш жараёнида лицензия талаблари ва шартлари бўйича номувофикликлар кузатилганда, божхона органи божхона назорати остидаги товар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назоратининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш чорасини кўрган ҳолда, лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги ҳолати бўйича шу куннинг ўзида лицензияловчи органни хабардор қилади.»;

71-банддан ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

83-бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи — тўққизинчи хатбошлар қўшилсин:

«Лицензияловчи орган божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжат киритилган сўровномани олган кундан эътиборан ўн кун муддатда ушбу ҳужжатни божхона тўловлари тўланишини таъминлаш воситаси сифатида қабул қилади ёки рад этади ва бу ҳақида хабарнома юборади.

Қуйидаги ҳолларда божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатнинг божхона тўловлари тўланишини таъминлаш воситаси сифатида қабул қилиниши рад этилади:

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатда нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатни расмийлаштиришга асос бўлган шартнома тақдим этилмаганда;

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатда кўрсатилган сумма миқдори Божхона кодексининг 338-моддасида кўрсатилган миқдордан кам бўлганда;

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжат шартлари Божхона кодексининг 344 ва 345-моддаларида белгиланган, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг суммаси ва фоизлар қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона органи томонидан сўзсиз тартибда ундириб олинishi талабларига зид бўлганда»;

3-илованинг «II. Илова қилинадиган ҳужжатлар» бўлими 2-бандидаги «божхона омбори» сўзлари «эркин омбор» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

4, 21 ва 34-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

22-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лицензия талаблари ва шартлари асосида жихозланган видеокузатув тизимлари ёрдамида олинган вақт бўйича узлуксиз видеоёзувларнинг уч ой

давомида сақланишини таъминлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш, устига ёзиш, ўчириш, нусха олиш, кўчириб олиш каби ҳаракатларни ба-
жаришнинг ва бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш;»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«видеокузатувни тўлиқ амалга ошириш имконини берадиган ёритиш тизими билан таъминлаш»;

бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

26-бандда:

иккинчига хатбошига «ашёвий ҳуқуқлар ёки» сўзларидан кейин «муд-
датларини кўрсатган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошидаги «тархи ва чизмаси» сўзлари «чизмаси ва кадастр
йиғма жилдидаги тархи» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банднинг биринчи хатбошидаги «божхона омбори» сўзлари «бож
олинмайдиган савдо дўкони» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

38-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва бешинчи хат-
бошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва дав-
лат кадастри давлат қўмитасидан» сўзлари «Давлат солиқ қўмитаси ҳузу-
ридаги Кадастр агентлигидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қўшилсин:

«Белгиланган муддатларда бошқа ваколатли органлар томонидан жавоб
берилмаганда, қўшимча ҳужжатлар олинган ёки улар билан келишилган
ҳисобланади, бунда мазкур ваколатли органлар вужудга келиши мумкин
бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

Ваколатли давлат органлари объектнинг (бино, иншоотлар ва (ёки)
худуднинг) санитария ва ёнғин қоидалари бўйича тадбирлар талабларига
мувофиқлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига малакали
кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахас-
сисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга
бўлган бошқа ҳужжатларни олиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш-
да ёрдам беради, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад қилиш ҳолла-
ри бундан мустасно»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча олтинчи ва еттинчи хат-
бошилар деб ҳисоблансин;

51-банднинг иккинчи хатбошидаги «божхона омбори» сўзлари «бож
олинмайдиган савдо дўкони» сўзлари билан алмаштирилсин;

67-банддан ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар чиқариб
ташлансин;

79-бандда:

иккинчи хатбошидаги «божхона омбори» сўзлари «бож олинмайдиган
савдо дўкони» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи — саккизинчи хатбошилар қўшилсин:

«Лицензияловчи орган божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжат киритилган сўровномани олган кундан эътиборан ўн кун муддатда ушбу ҳужжатни божхона тўловлари тўланишини таъминлаш воситаси сифатида қабул қилади ёки рад этади ва бу ҳақида хабарнома юборади.

Қуйидаги ҳолларда божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатнинг божхона тўловлари тўланишини таъминлаш воситаси сифатида қабул қилиниши рад этилади:

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатда нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатни расмийлаштиришга асос бўлган шартнома тақдим этилмаганда;

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжатда кўрсатилган сумма миқдори Божхона кодексининг 338-моддасида кўрсатилган миқдордан кам бўлганда;

божхона тўловлари тўланишини таъминловчи ҳужжат шартлари Божхона кодексининг 344 ва 345-моддаларида белгиланган, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг суммаси ва фоизлар қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона органи томонидан сўзсиз тартибда ундириб олиниши талабларига зид бўлганда»;

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 700-сон қарори билан тасдиқланган Божхона йиғимлари ставкаларига:

а) қуйидаги мазмундаги 9-банд қўшилсин:

«

9.	«Жисмоний шахсларнинг чегара божхона постлари орқали нотижорат мақсадларида олиб кирилаётган, белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлган товарларини чегара божхона постлари томонидан вақтинча сақлаганлик учун ҳар 100 кг. гача оғирликка (брутто) тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ҳар бир календарь кун учун:»	
	дастлабки беш кунда;	БҲМнинг 5 фоизи
	кейинги ўн кунда;	БҲМнинг 7 фоизи
	қолган кунларда;	БҲМнинг 10 фоизи
	тез бузиладиган товарларни вақтинча сақлаганлик учун;	БҲМнинг 15 фоизи

».

*** изоҳга «бож олинмайдиган савдо дўкони» сўзларидан кейин «шунингдек, уларга бевосита туташ бўлган доимий божхона назорати зоналари» сўзлари қўшилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

495 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3009-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ–5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 76-сон буйруғи (рўйхат рақами 3009, 2018 йил 11 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 19-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-иловаси «Харажатлар номи» устунидаги «Ногирон боласини» ва «Болалиқдан ногиронлар» деган сўзлар тегишли равишда «Ногиронлиги бўлган боласини» ва «Болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 август,
47-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 августда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**496** «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги 280-сон «Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 2 апрелдаги 90-сон «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2361, 2012 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 220-модда);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 29 мартдаги 66-сон «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2361-1, 2018 йил 10 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 10/18/2361-1/1054-сон).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон аудиторлар палатаси ва Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 август,
49-сон

Келишилди:

**Ўзбекистон аудиторлар
палатаси Кенгаши раиси**

А. БАБАМУХАМЕДОВ

2021 йил 19 июль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 августда эълон қилинган.

*Ўзбекистон бухгалтерлар ва
аудиторлар миллий
ассоциацияси Кенгаши раиси*

Ж. МИРЗАЕВ

2021 йил 13 июль

*Ўзбекистон бухгалтерлар
федерацияси Бошқаруви раиси*

Д. СУЛТАНОВА

2021 йил 11 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

497 «Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3123-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида» 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–595-сон Қонуни)» 2021 йил 20 майдаги 320-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 13 декабрдаги 3-мх-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3123, 2019 йил 18 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 10/19/3123/2504-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 августда эълон қилинган.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШИН

Тошкент ш.,
2021 йил 5 август,
153-сон

Ўзбекистон Республикаси
мактабгача таълим вазирининг 2021 йил
5 августдаги 153-сон буйруғига
ИЛОВА

«Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Номи ва 1-бандидаги «муассасаларида» деган сўз «ташкилотларида» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) номи ва муқаддимасидаги «муассасаларида» деган сўз «ташкилотларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) 1-банддаги «муассасалари» ва «муассасаси» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотлари» ва «ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 2-банддаги «муассасасида» ва «муассасасининг» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотида» ва «ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «муассасалари» деган сўз «ташкилотлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «муассасасида» деган сўз «ташкилотида» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «муассасасининг» деган сўз «ташкилотининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 4-банддаги «муассасаси» ва «муассасасининг» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилоти» ва «ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 5-банддаги «муассасалари» ва «муассасасининг раҳбари» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотлари» ва «ташкилотининг директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 6-банднинг биринчи хатбошиси ва 12-банднинг биринчи хатбошидаги «муассасаси раҳбарининг» деган сўзлар «ташкилоти директорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

- з) 7-банддаги «муассасаси раҳбари» деган сўзлар «ташкilotи директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- и) 8-банддаги «муассасасининг» деган сўз «ташкilotининг» деган сўз билан алмаштирилсин;
- к) 9-банддаги «муассасасида» деган сўз «ташкilotида» деган сўз билан алмаштирилсин;
- л) 10-банддаги «муассасасига» деган сўз «ташкilotига» деган сўз билан алмаштирилсин;
- м) 11-банддаги «муассасасининг раҳбари» деган сўзлар «ташкilotининг директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- н) 14-банддаги «муассасаси» деган сўз «ташкilotи» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

498 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти бўйича қоидаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3159-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ–644-сон «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»-ги ва 2021 йил 26 апрелдаги ЎРҚ–685-сон «Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 26 мартдаги ПФ–6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 23 март-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 августда эълон қилинган.

даги 67-сон буйруғи (рўйхат рақами 3159, 2019 йил 20 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2019 й., 10/19/3159/3151-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти бўйича қоидаларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 август,
256-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил
11 августдаги 256-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида
сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти
бўйича қоидаларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 36-банддаги «Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси (бундан буён матнда ИИВ ЖИЭББ деб юритилади) даволаш-профилактика ёрдамиди ташкиллаштириш бўлими» деган сўзлар «Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг (бундан буён матнда ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД деб юритилади) Тиббиёт бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 57-банддаги «ИИВ ЖИЭББ Даволаш-профилактика ёрдамиди ташкиллаштириш бўлими» деган сўзлар «ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД Тиббиёт бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 61-банддаги «алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик» деган сўзлар «наркологик касаллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 2-бобнинг 2-параграфи номидаги «Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик» деган сўзлар «Наркологик касаллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 78-банддаги «алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка» деган сўзлар «наркологик касалликка» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 92-банддаги «Санитария-эпидемиология назорат (бош) марказлари» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 106 ва 165-бандлардаги, 168-банднинг биринчи хатбошисидаги ҳамда

207 ва 213-бандлардаги «ИИВ ЖИЭББ» деган сўзлар «ИИВ хузуридаги ЖИЭД» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 115-банддаги «алкоголизм, гиёҳвандлик» деган сўзлар «наркологик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 132-банднинг учинчи хатбошисидаги «ИИВ ЖИЭББ даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бўлими» деган сўзлар «ИИВ хузуридаги ЖИЭД Тиббиёт бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 133-банддаги «Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка» деган сўзлар «Наркологик касалликка» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 7-иловада:

номидаги «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик» деган сўзлар «Сурункали наркологик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

жадвалнинг 1-позициясидаги «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик» деган сўзлар «Сурункали наркологик касаллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХАДЖИБАЕВ

2021 йил 12 июль

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 4 августдаги 47-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кас-сали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакл-лари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-ило-васига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақа-ми 3009-2.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 11 августда-ги 49-сон «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғри-сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш-лар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақа-ми 2361-2.

3. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2021 йил 5 августдаги 153-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тар-тиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақа-ми 3123-1.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 11 ав-густдаги 256-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар-нинг тиббий-санитария таъминоти бўйича қоидаларга ўзгартиришлар кири-тиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақа-ми 3159-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 2 апрелдаги

90-сон «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2361, 2012 йил 12 май), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 2361-1, 2018 йил 10 апрель).

2021 йил 17 августда давлат рўйхатидан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.